

Ислом КАРИМОВ

**МАМЛАКАТИМИЗНИ  
МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА КУЧЛИ  
ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ  
БАРПО ЭТИШ —  
УСТУВОР МАҚСАДИМИЗДИР**

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма  
мажлисидаги маъруза)*



**АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ —  
ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ  
ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ  
ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШДИР**

*(2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда  
Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий  
ожлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига  
бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг  
мажлисидаги маъруза)*

ТОШКЕНТ — «ЎЗБЕКИСТОН» — 2010

66.3(5Ў)  
К23

ISBN 978-9943-01-529-6

© «ЎЗБЕКИСТОН» НМИУ, 2010

## **МАМЛАКАТИМИЗНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ БАРПО ЭТИШ — УСТУВОР МАҚСАДИМИЗДИР**

Ассалому алайкум, ҳурматли депутатлар!  
Ҳурматли сенаторлар!  
Қадрли дўстлар!

Авваламбор, барчангизни бўлиб ўтган сайловларда эришган муносиб ғалабангиз билан, Сизларга сайловчилар, мамлакатимиз аҳолиси томонидан кўрсатилган юксак ишонч билан табриклаб, Сиз, халқ вакилларига ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромимни билдиришдан хурсандман.

Аминманки, ҳақли равишда Сизларга кўрсатилган бу ишонч — биринчи навбатда барчангизнинг шахсиятингизга, билим, тажрибангиз, фидокорона меҳнатингизга, энг аввало, мамлакатимизнинг обрў-эътибори ва равнақи, эл-юртимиз фаровонлигини янада юксалтириш йўлида қўшаётган муносиб ҳиссангизга халқимиз томонидан билдирилган ҳурмат ифодасидир.

Айни вақтда бу ишонч умумхалқ сайловларида сизлар вакили бўлиб иштирок этган сиёсий партияга, ижтимоий ҳаракатга билдирилган ишонч белгисидир.

Шу борада, ўйлайманки, шу залда ўтирган барча депутатлар яхши англамоқда, буларни,

яъни, халқимиз томонидан билдирилган катта умидни, ҳар қайсингиз ўзингизнинг ҳалол амалий меҳнатингиз билан оқлашингиз зарур бўлган аванс — насия, десак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз.

Сизларнинг эътиборингизни яна бир ўта муҳим ҳолатга жалб этмоқчиман. Сизларнинг обрў-йингиз — бу Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг обрўси, республикаимиз парламентининг обрўси, моҳият эътиборига кўра, мамлакатимизнинг обрўси эканини ҳеч қачон унутмаслигингизни истардим.

Хурматли дўстлар!

Бугун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида 2009 йил 27 декабрь куни Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар ҳақида ва шунингдек, 2010 йилнинг 10 январь куни ана шу идораларга ўтказилган такрорий сайловлар хусусида *ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ*, деб ўйлайман.

Ушбу сайловлар ҳақида мамлакатимиздаги тегишли ваколатга эга бўлган тузилмалар кузатувчилари ва жамоатчилигимиз томонидан, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган хорижий ташкилот ва кузатувчилар томонидан ҳам атрофлича, етарли ва холис баҳолар берилди.

Барча-барча берилган баҳо ва тафсилотларда, аввало, сайловчиларимизнинг овоз бериш пайтида

умумий фаоллик, очиклик ва ошкоралик, миллий ва халқаро қонунчилик меъёрлари ва талабларига риоя қилиш муҳити яққол намоён бўлгани таъкидланди.

Бу, ўз навбатида, жамиятимизнинг ўтган давр мобайнида демократик ўзгаришлар, ҳар қайси фуқаронинг танлаш эркинлигини таъминлаш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида том маънода қандай улкан қадамлар қўйганини яна бир бор тасдиқлади.

Қонунчилик палатасига 30 фоизга яқин, маҳаллий кенгашларга эса тахминан 20 фоиздан кўпроқ депутатлар сайловларнинг такрорий босқичидан — иккинчи турдан ўтишга мажбур бўлганларининг ўзи — ушбу сайловларимиз нақадар демократик асосда бўлиб ўтганининг, ҳеч шубҳасиз, яққол исботи, десак, тўғри бўлади.

Бўлиб ўтган сайловлар аҳолимизнинг юксак ижтимоий-сиёсий маданиятини, унинг сиёсий ва фуқаролик онг даражаси тобора ўсиб бораётганини, сайловчилар мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш жараёнларини чуқурлаштириш йўлидан изчил илгарилаб бораётганимизни кенг қўллаб-қувватлаётганини намоён этди.

Энг муҳими, мазкур сайловлар давлатимиз ҳаётида юз бераётган барча туб ўзгариш ва янгиланишлар жараёни орқага қайтариб бўлмайдиган қонуний тус олганини яна бир бор кўрсатди.

Энг муҳим хулоса шундан иборатки, бу сайловлар бугунги кунда ҳаётимизни демократ-

лаштириш ва либераллаштиришга қаратилган ўзгаришлар жараёнини, ҳақиқатан ҳам, ҳеч қандай куч орқага қайтара олмаслигининг амалий ифодаси бўлганини такрор ва такрор таъкидлашни ўринли, деб биламан.

Барчамизга яхши маълумки, биз ўз вақтида шу борада муҳим қарорлар, хусусан, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонунни қабул қилган эдик.

Шунингдек, сиёсий партияларнинг сайловларда қатнашиб, ўзининг нималарга қодир эканини исботлашга, амалда бу партияларни Ўзбекистонда бўлиб ўтаётган чуқур ўзгаришларнинг ҳал қилувчи кучига айлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, жорий этилганидан ҳам хабардорсиз.

Бўлиб ўтган сайловлардан биз чиқаришимиз керак бўлган яна бир ўта муҳим хулоса шундан иборатки, бу сайловлар ўз вақтида қабул қилинган ана шу қарорларнинг нақадар тўғри ва самарали эканини кўрсатди.

Айнан ана шу хусусият — яъни, сиёсий партияларнинг ҳал қилувчи куч сифатида майдонга чиқиши мазкур сайловларнинг моҳияти ва асосий маъно-мазмунини ташкил этди, десам, янглишмаган бўламан.

Ўйлайманки, ўтган сайловларнинг айни шундай аломатлари мамлакатимиз парламент ти-

зимининг самарадорлигини оширишга, албатта, сезиларли таъсир ўтказди.

Шу фурсатдан фойдаланиб, ёруғ келажакимизни қуриш йўлида мамлакатимиз бу мураккаб сиёсий имтиҳондан муваффақиятли ўтгани учун барча фуқароларимизни яна бир бор табриклаб, бутун халқимизга чуқур миннатдорлигимни ва ҳурматимни билдиришни ўзимнинг бурчим, деб биламан.

**Муҳтарам мажлис иштирокчилари!**

Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг янгитдан сайланган таркибининг бўлғуси фаолияти билан боғлиқ масалаларга ўтишдан олдин Олий Мажлиснинг ўз ваколатларини тугатган ҳар иккала палатаси аъзоларига, уларнинг сидқидилдан қилган меҳнати, Ватанимиз қудратини мустаҳкамлаш, халқимиз фаровонлигини оширишга қўшган катта ҳиссаси учун самимий ташаккур билдиришга рухсат бергайсиз.

Маълумки, биринчи бор 2004 йилда сайланган икки палатали парламентимизнинг фаолияти ҳаётимизнинг муҳим бир даврига — мамлакатимизда чуқур ўзгаришлар, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча томонларини изчил ислоҳ этиш ва либераллаштириш, жамиятимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнлари жадал суръатлар билан ривожланаётган бир даврга тўғри келди.

Ўзбекистоннинг олдида турган ушбу устувор вазифаларнинг барчасини ҳал қилишда пар-

ламентнинг аввалги таркиби мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ишида катта аҳамиятга эга бўлган 250 дан зиёд қонунни қабул қилиб, муҳим ҳисса қўшди.

Бугун шу борада амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилар эканмиз, айтиш мумкинки, парламентнинг профессионал органи сифатида доимий фаолият олиб борадиган, қонунларни ишлаб чиқадиган ва қабул қиладиган қуйи палатаси ва ҳудудий вакиллик органи сифатида минтақаларимизнинг манфаатларини тўлиқ ақс эттирадиган юқори палата бўлмиш Сенатни шакллантириш бўйича асосий вазифалар, умуман олганда, муваффақиятли ҳал қилинди.

Қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг сифати ва асосланиши тубдан яхшиланди. Умумдават ва минтақавий манфаатлар ўртасидаги мутаносиблик ва уйғунлик янада самарали таъминланмоқда.

Сиёсий партияларнинг мамлакатимиз олий қонунчилик органи, жойлардаги ҳокимият вакиллик органлари фаолиятидаги роли ва таъсири сезиларли даражада ошди.

Қонунчилик палатасида биринчи марта парламентдаги кўпчилик — Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, «Миллий тикланиш» демократик партияси ва шунингдек, «Адолат» социал-демократик партияси фракцияларини бирлаштирган Демократик блок шаклланди. Айни вақтда Ўзбекис-



тон халқ демократик партияси фракцияси тимсолида парламентдаги муҳолифат ташкил топди.

Олий Мажлиснинг қонун ижодкорлиги фаолиятида мамлакатимизда иқтисодий соҳада амалга оширилаётган таркибий ўзгаришларни, қулай инвестицион муҳитни шакллантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш, банк-молия тизимини ривожлантиришни норматив-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш масалалари алоҳида ўрин эгаллади.

Бу даврда хусусий мулкни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш, мамлакатимизда ҳар томонлама бақувват мулк эгалари синфини шакллантириш, фермерлик ҳаракатини мустаҳкамлаш, иқтисодиётни янада либераллаштиришни таъминлаш, тадбиркорлик, аввало, кичик бизнес фаолиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, кенг тармоқли бозор инфратузилмасини барпо этишни кўзда тутадиган қонун ҳужжатларининг бутун бир мажмуаси қабул қилинди.

Аҳоли даромадлари ва халқ фаровонлигини узлуксиз ошириб бориш, кенг миқёсдаги ижтимоий дастурларни муваффақиятли амалга ошириш масалалари парламентнинг эътибор марказида бўлди.

Иқтисодий ислоҳотларни қонуний жиҳатдан таъминлашга йўналтирилган бундай ва бошқа бир қатор тадбирлар 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини имкон қадар ка-

майтиришга қаратилган Инқирозга қарши чоралар дастурини самарали амалга оширишни ҳуқуқий таъминлаш, дунёдаги санокли давлатлар қаторида Ўзбекистонга иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолиш ва аҳолининг реал даромадларини ошириш имконини берди.

Бу хулосаларни тасдиқлайдиган рақамлар ҳақида гапирадиган бўлсак, оғир келган 2009 йилда мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоизга ўсгани, саноат соҳаси 9 фоизга, иқтисодиётимизга жалб этилган инвестициялар ҳажми 26 фоизга, шу жумладан, ташқи инвестициялар 68 фоизга ошгани, ташқи савдонинг ижобий сальдоси 2,3 миллиард доллардан кўпроқни ташкил этгани, ўртача ойлик даражасининг ўсиши 40 фоизга, аҳоли даромадлари эса 26,5 фоизга кўпайганини таъкидлаш лозим. Мана шу мисолларнинг ўзиёқ биз эришган кўпгина ютуқларнинг яққол далили бўла олади, десак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шуни таъкидлаш керакки, парламентимиз суд-ҳуқуқ тизимини чуқур ислоҳ қилиш ва либераллаштириш, суд ҳокимиятининг амалдаги мустақиллигини таъминлаш бўйича мамлакатимизда олиб борилаётган кенг миқёсли ишларга ҳам салмоқли ҳисса қўшди. Ўтган беш йил мобайнида қабул қилинган 58 та қонунга мувофиқ, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар янада чуқурлаштирилди.

Шу даврда жинойий жазо тизимини либераллаштириш, амалда суд ҳокимиятининг муста-

қиллигини таъминлаш жараёнларига катта эътибор берилди. Адвокатура институти ислоҳ этилди. Суд қарорларини ижро этиш тизими, прокуратура фаолияти такомиллаштирилди, бутун суд-ҳуқуқ тизимини босқичма-босқич демократлаштиришга қаратилган бошқа бир қатор чора-тадбирлар амалиётга татбиқ этилди.

Мамлакатимизда 2008 йил 1 январдан бошлаб ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида, шунингдек, фуқароларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини прокуратурадан судларга ўтказиш тўғрисида 2007 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунлари бутун дунёда улкан қизиқиш ва эътибор уйғотди. Мазкур чора-тадбирларнинг жорий этилиши билан Ўзбекистонда дунёдаги энг инсонпарвар, либерал жинсий жазо тизимларидан бири яратилди.

Демократик ислоҳотларнинг муҳим таркибий қисми бўлган фуқаролик жамияти институтларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш бўйича ҳам кўп ишлар амалга оширилди.

Кейинги йилларда оммавий ахборот воситаларини янада демократлаштириш ва либераллаштириш, олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислоҳотларнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашда уларнинг фаоллигини ошириш, медиа маконга илгор ахборот-коммуникация технологияларини бевосита жорий этишга қаратилган қарийб 10 та қонун ҳужжати қабул қилинди.

2008 йилнинг июль ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳар икки палатаси кенгашларининг «Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қўшма қарори қабул қилинди.

Бу ҳужжат нодавлат нотижорат ташкилотларнинг, фуқаролик жамияти институтларининг мустақил ривожланишини босқичма-босқич таъминлаш, мамлакатимизни демократик янгилаш жараёнида уларнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш йўлида яна бир муҳим қадам бўлди.

Мазкур қўшма қарорга биноан, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини молиялаштириш манбаларини шакллантиришнинг мустақил, демократик принципларга асосланган тизими яратилди.

**Ҳурматли мажлис қатнашчилари!**

Эришилган ютуқларни қайд этар эканмиз, шу билан бирга, аввалги парламентимиз фаолиятидаги камчилик ва нуқсонлар, фойдаланилмасдан қолган имкониятлар ҳақида ҳам айтиб ўтишни зарур, деб биламан. Бугун, Олий Мажлиснинг келгуси беш йилдаги фаолиятининг асосий вазифалари ва устувор йўналишлари белгилаб олинаётган бир пайтда бу, айниқса, муҳимдир.

**Биринчидан,** шуни тан олиш керакки, Қонунчилик палатаси фаолиятидаги энг катта камчиликлардан бири унинг қонун ижодкорлиги ишлари бўйича чуқур ва ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган, мамлакатимизда амалга оширилаётган социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотлар жараёнининг талаблари билан узвий боғлиқ бўлган, узоқ истиқболга мўлжалланган ўз дастурига эга эмаслигида кўринади.

Бу кўпинча қонунларнинг аниқ бир тизимга риоя қилмаган ҳолда, уларнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган субъектлар томонидан киритилишига қараб қабул қилинишига олиб келаётган сабаблардан биридир.

**Иккинчидан,** иқтисодий, сиёсий, гуманитар соҳаларда жадал ривожланаётган ислохотларни амалга ошириш учун ҳаётий зарур бўлган қонунларни киритиш ташаббуси билан чиқишда ва уларнинг қабул қилинишини тезлаштиришда депутатлар корпусининг сусткашлиги, бу борада *етарлича фаоллик кўрсатмаётгани жиддий камчилик* ҳисобланади. Кейинги беш йил мобайнида Қонунчилик палатасига тақдим этилган 297 та қонун лойиҳасидан атиги 44 таси депутатлар ташаббуси билан киритилган.

Айни пайтда, 42 та қонун лойиҳаси бевосита Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тақдим этилган, 160 тадан зиёд қонун лойиҳаси эса мамлакатимиз ҳукумати томонидан киритилган бўлиб, уларнинг аксарият қисми Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон-

лари ва қарорларининг ижросини таъминлаш муносабаги билан тақдим этилган.

**Учинчидан,** қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини тубдан яхшилаш талаб этилади. Уларнинг кўпчилиги амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш, тузатиш ва қўшимчалар киритишга қаратилган бўлиб, кодификациялашиш характериға, яъни, муайян даражада тизимлашув мазмуниға эға эмас.

Қабул қилинадиган қонун лойиҳаларида амалдаги қонун ҳужжатларидан фарқ қиладиган тафовутларға, такрорларға йўл қўйилганини, бошқа ҳужжатларға ҳавола қилиш ҳолатлари кўплигини қайд этиш лозим.

Ва энг асосий камчилик қабул қилинадиган қонунларда аксарият ўринларда ана шу қонун ҳужжатларининг ҳаётға татбиқ этилишини таъминлайдиган процессуал механизмларнинг мавжуд эмаслигида кўзға ташланади. Бу эса ўз-ўзидан ушбу ҳужжатларнинг қўлланишини сезиларли даражада қийинлаштиради, қонунларнинг ижро этилмаслигиға, ҳуқуқий нигилизмға, яъни ҳар қандай ҳуқуқий норманинг инкор қилинишиға, ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигининг пасайишиға олиб келади.

**Тўртинчидан,** қонунда кўзда тутилган депутатлик назорати ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришға таъсир кўрсатиш шаклларидан суст фойдаланилмоқда.

Қуйи палата фаолият юритган бутун давр мобайнида атиги бир нечта, хусусан, инновацион

технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, кимё саноати корхоналари қурилишини жадаллаштириш ва янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ масалалар бўйича парламент сўрови амалга оширилганини, албатта, етарли, деб бўлмайди.

**Бешинчидан,** парламент депутатларининг ўз сайлов округидаги тизимли фаолиятини сезиларли даражада яхшилаш талаб этилади.

Айнан ана шундай фаолият қабул қилинган қонунлар қандай ишлаётганини, хўжалик юритиш амалиёти бугунги кунда қандай қонунларга муҳтож эканини, сайловчилар қандай муаммоларга дуч келаётгани ва уларни ҳал этиш бўйича нималар қилиш зарурлигини аниқлаш учун депутатга имкон берган бўларди.

Бу ҳақда кўп гапирмасдан, биргина мисолни келтириш мумкин. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг сайлов округидаги фаолиятини ташкил этиш тартиби» палата томонида 2008 йилнинг май ойига келиб, яъни парламент фаолиятининг тўртинчи йилидагина ишлаб чиқилгани ва қабул қилинганини айтиб ўтишнинг ўзи кифоя, деб ўйлайман.

Афсуски, депутатларнинг сайлов округидаги фаолияти, асосан, шунчаки учрашувлар ташкил қилишдан иборат бўлиб қолган, таҳлилларнинг кўрсатишича, улар ҳам кўпинча номигагина ўтказилиб, фақат шикоят ва саволларга жавоб қайтариш билан чекланилган.

Олтинчидан, қуйи ва юқори палаталар амалий фаолиятининг айниқса дастлабки даврида аксарият ҳолларда ҳар икки томоннинг ўз амбицияларини намоён этиши билан боғлиқ бўлган жиддий муаммолар ҳам кузатилди, бундай зиддиятлар қонун ҳужжатларини қабул қилиш муддати ва сифатига салбий таъсир кўрсатди.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистондаги олий қонун чиқарувчи орган бўлмиш Олий Мажлис томонидан амалга ошириладиган қонун ижодкорлиги жараёнининг мустақил ва муқаррар таркибий қисми бўлган ҳар қайси палата фаолиятини таъминлаш жараёни қийинчилик билан йўлга қўйилди.

Албатта, ҳар қайси палата томонидан ўз зиммасига юклатилган вазифа ва ваколатларни адо этиш асносида уларнинг ўртасида турли келишмовчилик ва қарама-қаршилиқлар вужудга келиши ҳар томонлама табиий ва қонуний ҳолдир.

Шу фурсатдан фойдаланиб, Сенат, унинг аъзолари қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга эмаслигини таъкидлаб ўтишни истардим.

Сенат — бу вакиллик органи ва унинг кўпчилик қисми халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатлари сифатида мамлакатимиз олий қонун чиқарувчи органида ана шу маҳаллий Кенгашларнинг ваколатли вакиллари ҳисобланади ва уларга ҳисоб беради. Ва шу сабабли ҳам сенаторларнинг ўз фаолиятида, қонунларни муҳокама этиш ва қарорлар қабул қилишда, биринчи навбатда, умумдавлат ман-



фаатларидан келиб чиққан ҳолда, бу қонунларни ўзлари вакили бўлган ҳудуд ва минтақалар манфаатлари нуқтаи назаридан кўриб чиқишлари тўлиқ қонуний асосга эгадир.

Шунинг учун ҳам Сенат томонидан бирон-бир қонун қайтарилган вазиятда тақдим этилган лойиҳаларнинг моҳияти ва маъно-мазмунини бўйича қўйи ва юқори палаталар келишув комиссиялари доирасида вужудга келадиган баҳс-мунозараларни биз демократик парламент ишининг табиий ва соғлом шакли сифатида кўришимиз даркор.

Ҳурматли депутат ва сенаторлар!

Олий Мажлиснинг ўтган даврдаги фаолиятини талабчанлик руҳида, танқидий баҳолар эканмиз, парламент ишида йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этмасдан, сусткашлик ва ўзибўларчилик ҳолатларига барҳам бермасдан туриб, депутат ва сенаторлар ўз олдида турган вазифаларни самарали ҳал этишга, сайлов пайтида сайловчиларига берган юксак ваъдаларининг устидан чиқишга эриша олмаслигини яққол англаб, тушуниб олишимиз керак.

Айниқса, янгитдан сайланган парламент сифат жиҳатидан янгича сиёсий, ижтимоий-иқтисодий шароитда фаолият юритиши зарурлиги барчамизга аниқ-равшан аён бўлиши лозим.

Бугунги кунда давлат ва жамият қурилиши соҳасида мамлакатимиз олдида ўзининг миқёси ва қамровига кўра улкан вазифалар турибди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳали-бери давом этаётган оғир бир шароитда иқтисодиётимизнинг янада барқарор ривожланишини таъминлаш, уни диверсификация ва модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш борасидаги ишларни изчил давом эттиришимиз зарур.

Минтақамизда ва бутун дунёда юзага келаётган мураккаб геосиёсий шароитда бизнинг зиммамизда мамлакатимизнинг хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, шу муқаддас заминимизда ҳукм сураётган тинч-осойишта ҳаётни сақлаш каби бири-биридан масъулиятли ва кенг кўламли бир қатор вазифалар борки, юртимизнинг, жондан азиз фарзандларимизнинг бугунги ва эртанги кунини ана шу масалаларни қанчалик муваффақият билан ҳал этишимизга боғлиқдир.

Мана, ён кўшнимиз Афғонистонда 30 йилдан буён давом этаётган қуролли можаронинг ҳали-бери охири кўринмаяпти. Халқимизда «Кўшнинг тинч — сен тинч» деган мақол бежиз айтилмаган. Кўшни мамлакат ҳудудида мана шундай кескинлик сақланиб турар экан, албатта, минтақамизда тинчлик-барқарорликка нисбатан таҳдид ҳам сақланиб қолаверади.

Афғонистондаги мураккаб вазиятни ҳал этиш бўйича Ўзбекистон энг нуфузли халқаро минбарлардан муҳим амалий ташаббусларни доимий равишда баён қилиб келмоқда. Айниқса, НАТО/СЕАП ташкилотининг 2008 йил апрель ойида

бўлиб ўтган Бухарест саммитида Ўзбекистон Президенти томонидан афғон муаммосини фақат ҳарбий йўл билан ечиб бўлмаслиги ҳақидаги фикр биринчи бўлиб ўртага қўйилган ва бу можарони сиёсий йўл билан ҳал этиш мақсадида «6+2» мулоқот гуруҳини «6+3» гуруҳига айлантириш ҳақидаги таклиф илгари сурилган эди. Бу гуруҳга Афғонистон билан қўшни бўлган давлатлар, АҚШ ва Россия ҳамда НАТО ташкилотининг ваколатли вакиллари кириши назарда тутилади. Ўзбекистоннинг бу таклифи дунё сиёсий жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотгани сизларга яхши маълум, деб ўйлайман.

Афғон можаросини ҳал қилиш учун 30 йил давомида миллиард-миллиард доллар маблағ сарфланди. Лекин аҳвол ижобий томонга ўзгариш ўрнига, аксинча, мамлакатдаги кескинлик кучайиб бормоқда.

Аввало, маҳаллий халқ, қайси миллат ва элатга мансублигидан қатъи назар, бир-бири билан келишиши керак, бунинг учун уларга ёрдам, биринчи навбатда, иқтисодий ёрдам бериш лозим.

Энг муҳими, афғон халқининг миллий урф-одатлари ва маданиятини, диний қадриятларини ҳурмат қилиш зарур. Бошқача айтганда, аввало халқни ҳурмат қилиш, кейин унга ақл ўргатиш керак.

Шу кунларда Афғонистон масаласи бўйича Лондонда бўлиб ўтадиган халқаро анжуманда ана шундай ёндашув асосида умумий бир қарор қабул

қилиниши ҳақида фикрлар билдирилмоқда. Яъни, дунёдаги кўпгина давлатлар афғон муаммосини фақат ҳарбий йўл билан ҳал қилиш мумкин эмаслигини ҳар томонлама англаб, амалий хулосаларга келмоқда. Бу, ўз навбатида, Бухарест саммитида Ўзбекистон илгари сурган ташаббуснинг нақадар тўғри эканини яна бир бор кўрсатмоқда.

Қисқача айтганда, жафокаш афғон заминида тезроқ тинчлик қарор топиши учун жаҳон ҳам-жамияти, авваламбор, иқтисодий-молиявий, ижтимоий-гуманитар ёрдам кўрсатиши ва бу ишларнинг барчаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳнамолигида амалга оширилиши зарур.

Бугунги кунда дунёдаги кўпгина давлатлар томонидан Афғонистонга ана шундай ёрдам кўрсатилмоқда. Албатта, бу мамлакатда тинчлик ва барқарорлик ўрнатишдан, аввало, унга қўшни бўлган давлатлар манфаатдордир.

Ўзбекистон ҳозирги вақтда яқин қўшни давлат сифатида Афғонистонга катта ёрдам бермоқда. Жумладан, 2010 йилда Ўзбекистон бу мамлакатга етказиб бераётган электр энергияси миқдори ўтган йилларга нисбатан 6 баробарга оширилди.

Шу кунларда Ўзбекистоннинг қурувчи ва мутахассислари томонидан «Термиз — Ҳайратон — Мозори Шариф» темир йўлини қуриш ишлари бошланмоқда ва ишонаманки, у йил охирига қадар якунига етказилади.

Хулоса қилиб айтганда, парламентимизнинг бугунги кунда минтақамизда тинчлик ва хавф-

сизликни мустаҳкамлаш масаласида масъулияти катта. Буни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз керак.

**Азиз дўстлар!**

Юқорида зикр этилган масалаларнинг барчаси парламентимиздан юксак ташаббускорликни, қонун ижодкорлиги фаолияти самарадорлигини ошириш йўлида мунтазам изланишни, ҳар бир депутат ва сиёсий партиядан эса, авваламбор, улар сайлов даврида ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажаришни талаб этади.

Қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базадаги камчилик ва нуқсонларга имкон қадар тезроқ барҳам бериш, ҳуқуқни қўллаш амалиётида ғоят жиддий ўзгаришларни жорий этиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органларининг фаолиятида фақат ва фақат қонунга риоя этилишини таъминлаш билан боғлиқ ишларни такомиллаштириш даркор.

*Бу вазифалар биз барпо этаётган ҳуқуқий давлатни шакллантиришда нақадар муҳим аҳамиятга эга экани ҳақида, ўйлайманки, ортиқча гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ.*

Айни пайтда, шуни ҳам ўзимизга яққол тасаввур қилишимиз керакки, иқтисодий ўсишни таъминлаш, одамларимизнинг ҳаёт даражасини янада юксалтириш, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳалардаги бошқа кўплаб вазифаларга ижобий ечим топиш энг муҳим бир вазифани муваффақиятли ҳал этишни талаб қилади.

Бу вазифа, авваламбор, демократик ислохларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан жадал ва самарали илгарилаб боришдан иборатдир.

Ўйлайманки, Қонунчилик палатасида ҳам, Сенатда ҳам олдимизда турган ишларнинг амалий дастурини тайёрлаш жараёнида ана шу вазифаларнинг барчаси ҳисобга олинади ва охиригача пухта ишлаб чиқилади.

Менинг чуқур ишончим бўйича, энг муҳим, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган қуйидаги масалалар доимий эътиборимиз марказида туриши даркор.

Биринчи. Мана шу юксак минбардан туриб қатъий таъкидлашни истардим: агарки, биз иқтисодий ва социал соҳани ислоҳ этиш жараёнларини ижтимоий-сиёсий ва суд-ҳуқуқ тизимини мунозама янгилаб бориш жараёнлари билан ўзаро аниқ ва чуқур, узвий боғлиқ ҳолда амалга оширишни таъминламас эканмиз, мамлакатимизни модернизация қилиш борасида белгилаб олган юксак марраларимизга эриша олмаймиз.

Шу борада Конституциямиз муҳрлаб қўйган давлат ҳокимияти тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига риоя қилган ҳолда, парламент ҳокимиятининг амалий ролини кучайтириш масалалари эътиборимиз марказида туриши керак.

Бу ўта муҳим вазифаларни амалга оширишда кўп партиявийлик тизимининг ривожланишига,

сиёсий партиялар фаоллигининг кескин ошишига, улар ўртасида рақобат асосидаги курашнинг кучайишига шароит туғдириб бериш алоҳида ўрин тутди.

Биз ўз олдимизга қўяётган бу вазифанинг туб моҳияти шундаки, у партиялар ўртасидаги сайловолди кураши, Олий Мажлисимизнинг янги таркибини шакллантириш пайтида бўлиб ўтган ғоя ва дастурлар кураши парламентнинг кундалик фаолиятида ҳам давом этишини ва янада чуқурлашиб боришини назарда тутди.

Айнан парламент фаолиятида, таъбир жоиз бўлса, ғоя ва дастурлар беллашуви доимий тус олиши, ҳар қайси партия ўз олдига қўйган мақсад-муддаоларига ана шундай кураш орқали эришиши лозим.

Ишончим комилки, Қонунчилик палатасидаги турли сиёсий фракциялар ўртасидаги рақобат қанчалик кескин ва кучли бўлса, жамиятимизнинг муайян сиёсий кучлари ва ижтимоий қатламлари манфаатларини ўзида ифода этадиган ҳар қайси партиянинг ғоялари, дастурий вазифалари ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилишининг кафолати ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади.

Буларнинг барчаси, ҳеч шубҳасиз, қабул қилинадиган қонунларнинг сифатини оширишга, парламент ролининг, унинг мамлакатимизда юз бераётган жараёнларга таъсирининг кучайишига ёрдам беради.

Партиялар ўртасидаги баҳс-мунозаралар жиддий, профессионал ва амалий негизда олиб бо-

рилиши даркор. Айнан шунинг учун ҳам сиёсий партиялар ўз электоратини ўйлантираётган социал-иқтисодий муаммоларни янада чуқурроқ ўрганишга ва уларни ҳал этиш бўйича зарур чораларни кўришга бутун диққат-эътиборини қаратиши керак.

Бу ҳақда гапирганда, «мамлакат раҳбариятининг ислоҳотларни амалга ошириш борасидаги стратегик йўлини сиёсий қўллаб-қувватлаймиз» деган умумий гаплардан амалий фаолиятга ўтиш, чуқур ўйланган, шу жумладан, муқобил, рақобатдош лойиҳалар ва ҳар қайси партия ёки ҳаракатнинг аниқ мақсадли вазифаларини ўзида мужассам этадиган дастурларни тақдим этган ҳолда, фаол иш олиб бориш даври келганини таъкидлаш лозим.

Бунда жойларда ислоҳотларнинг ижтимоий самарасини оширишга халақит бераётган жиддий камчилик ва нуқсонларни аниқлаш, уларни очиқ, ошкора ва амалий руҳда муҳокама қилиш, ўз хизмат жойида зиммасига юкланган мажбуриятларни уддалай олмаётган давлат органлари, хўжалик бошқаруви, назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимларининг раҳбарларини асосли танқид қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Албатта, электорат билан иш олиб боришнинг замонавий усулларидан, умумэътироф этилган сиёсий технологиялардан кенг фойдаланиш, партиявий насларни партиялараро қизгин баҳс-мунозаралар минбарига айлантириш зарурлигини ҳаммамиз яхши тушунамиз.



✓ Парламентимиз ва маҳаллий вакиллик органлари — Кенгашлар олдида турган иккинчи ғоят муҳим вазифа — бу қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётгани устидан қатъий парламент назоратини, депутатлик назоратини ўрнатишдан иборатдир. ✓

Шуни очик тан олиш керак, Қонунчилик палатаси ва Сенатда, афсуски, бу борадаги ишлар ўта қониқарсиз йўлга қўйилган. Қонунчилик палатаси ва Сенатда қонунлар ижроси, тегишли тармоқларда устувор давлат дастурларининг бажарилиши юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг ўринбосарлари, вазирлик ва қўмиталар, ижро этувчи ташкилотлар раҳбарларининг ахборот ва ҳисоботлари камдан-кам эшитилади ва муҳокама қилинади.

Ўрганишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, парламентда бундай ҳисоботларни эшитиш кўпроқ умумий, яъни танишув ҳолатига эга бўлиб, кўрилаётган масала бўйича муайян қўмита ёки комиссиянинг позицияси аниқ белгилаб олинмаган, ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилиб тавсия этилган бирон-бир дастур ва ҳужжат қабул қилинмаган.

Келгусида қонун чиқарувчи ҳокимият назорат ваколатларини амалга оширишнинг қонунда кўзда тутилган ҳуқуқий норма ва механизмларидан марказда ва жойларда кенг фойдаланиш учун барча зарур чораларни кўриш керак.

Давлат тузилмалари раҳбарларининг уларга ишониб топширилган тармоқларда қонун ҳужжатларини ижро этиш ҳолати бўйича ҳисоботларини эшитиб бориш парламент фаолиятининг кундалик ишига айланиши даркор.

Шу билан бирга, ижро ҳокимияти раҳбарлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоларининг улар бевосита масъул бўлган соҳаларда қонунларнинг қандай бажарилаётгани бўйича ҳисоботларини тинглаб бориш амалиётини кенгайтириш зарур.

Хусусан, парламент назоратини амалга ошириш жараёнида давлат тузилмаларининг иқтисодиёт соҳасига асосиз аралашувини камайтириш чораларига алоҳида аҳамият қаратиш керак.

2009 — 2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини, унда кўзда тутилган ижтимоий-иқтисодий соҳанинг изчил ривожланишини, мамлакатда барқарорликни таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор бериш зарур.

Парламент назоратининг парламент сўрови, парламентда ҳисоботни эшитиш ва парламент фаолиятининг қонунда кўзда тутилган бошқа шаклларида кенг фойдаланиш лозим.

Парламент сўровида кўтарилган масалалар бўйича асосланган изоҳ ва ҳар томонлама тushунтириш бериш давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари мансабдор шахсларининг бевосита вазифаси ҳисобланади.

Бу вазифанинг бажарилиши бўйича жавобгарлик барча бўғиндаги давлат ҳокимияти идораларининг раҳбарлари ва прокуратура зиммасига юклатилиши керак.

Ижро этувчи ҳокимият устидан парламент назоратини кучайтириш вазифасини муваффақиятли ҳал этиш, кўп жиҳатдан, оммавий ахборот воситалари, кенг жамоатчиликнинг бу жараёндаги фаол иштирокига боғлиқдир.

Бу борада партияларнинг матбуот нашрлари олдидан катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Лекин, афсуски, бундай нашрлар ҳали-бери заиф бўлиб, содда қилиб айтганда, «тиш-тирноқсиз» бўлиб қолаётганини қайд этиш лозим.

✓ Парламентнинг мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган демократик янгиланишлар, либерал ислоҳотлар тарғиботчисига айланишига эришиш энг асосий вазифа бўлмоғи зарур. ✓

Мазмун-моҳиятига кўра, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни, биз танлаган давлат ва жамият қурилиши моделини татбиқ этиш жараёнида фуқароларнинг мамлакат бошқарувидаги ролини ошириб боришни асосий ўринга қўядиган «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» дастурини амалга ошириш бўйича ишларни янада фаоллаштириш масаласини бугун ҳаётнинг ўзи кун тартибига гобора қатъий қилиб қўймоқда.

Бу амалда фуқаролик жамияти институтларининг бутун тизимини ривожлантиришни,

унинг мамлакатни, маъмурий-худудий тузилмаларни бошқариш жараёнига уйғун равишда интеграциялашувини англатади.

Сиёсий партияларнинг марказда ва жойларда ижро этувчи ҳокимият идораларини шакллантириш жараёнига фаол таъсирини таъминлаш учун барча ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлардан тўлақонли фойдаланиш даркор.

Шу мақсадда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партиялар гуруҳлари фаолиятини жонлантириш, барча бўғиндаги ижро этувчи тузилмаларнинг минтақалар ижтимоий-иқтисодий тараққиётига доир амалий вазифаларни ҳал этиш ишига партияларнинг таъсирини ошириш даркор.

Фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат ноижорат ташкилотлар фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини янада ривожлантириш қонунчилик фаолиятининг муҳим йўналиши бўлиши зарур, деб ҳисоблайман.

Токи, бу институт ва ташкилотлар қарорлар қабул қилиш, ўзлари мансуб бўлган ижтимоий қатлам ва тузилмаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тизимида муносиб ўрин эгаллай олсин.

**Шу муносабат билан бугунги кунда экологик йўналишидаги 100 дан ортиқ нодавлат ноижорат ташкилотни бирлаштирган Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар олдида катта ва масъулиятли вазифалар гурибди.**

Мазкур ҳаракатдан сайланган депутатлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасига оид қонунчиликни янада ривожлантиришга, марказда ва жойларда давлат ҳокимияти идоралари, шунингдек, турли ижтимоий ва бошқа тузилмаларнинг бу соҳада шу пайтга қадар қабул қилинган ҳужжатларни сўзсиз бажариш бўйича масъулиятини ошириш юзасидан тизимли ишларни ташкил қилишга кўмаклашишлари лозим.

Барчамиз бир оддий ҳақиқатни қатъий ва аниқ англаб олишимиз керак — бундан буён Ўзбекистон Экологик ҳаракати янги сифат босқичига кўтарилди, юксак депутатлик минбаридан туриб атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини ўртага қўйиш ва назорат қилиш, инсонни ва мамлакат аҳолисини экологиянинг хавфли ҳамда тажовузкор ўзгаришларидан ҳимоя қилиш учун улкан имкониятларни қўлга киритади.

✓ **Фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамият ва давлат қурилиши тизимидати ҳуқуқ ҳамда ваколатларини кенгайтиришга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш масаласи устувор йўналишга айланиши зарур.** ✓

Бугунги кунда жойларда фуқароларнинг энг долзарб муаммоларини ўз вақтида ва муваффақиятли ҳал этиш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда маҳалла тизимининг таъсири ва аҳамияти қанчалик ортиб бораётганини барчамиз яхши биламиз.

Маҳалланинг аҳолимиз, айниқса, ёшларимизнинг маънавий-ахлоқий тарбияси билан боғлиқ масалаларни ечиш, ижтимоий соҳанинг самарали фаолият юритишини таъминлаш, жойларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини сақлаш борасидаги ҳиссаси тобора кучайиб бормоқда.

Шу муносабат билан маҳалла фаолиятининг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, унинг самарали фаолият юритиш механизмлари ва ваколатларини кенгайтириш бундан кейин ҳам бизнинг устувор вазифамиз бўлиб қолади.

Маҳаллани аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш йўлида бошлаган ижобий ишларимизни изчил давом эттиришимиз ва янги босқичга кўтаришимиз даркор.

Бошқарув идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда маҳалланинг вазифаларини кенгайтириб бориш, давлат ижтимоий дастурларининг ҳаётга татбиқ этилиши бўйича жойларда амалга оширилаётган ишлардан жамоатчиликни кенг хабардор қилиш мақсадида давлат органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари билан мустақам ҳамкорлигини таъминлаш бундан буён ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлиши керак.

Маҳалланинг фуқароларнинг энг долзарб муаммоларини ҳал этиш, уларнинг ижтимоий фаоллигини таъминлашдаги ўрни ва аҳамияти ортиб бораётганини инобатга олган ҳолда, оқсо-

қоллар ва уларнинг маслаҳатчиси этиб энг муносиб номзодлар сайланишини таъминлайдиган фуқаролар йигини раислари (оқсоқоллар) ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлаш тизимини янада такомиллаштириш талаб этилмоқда.

✓ Бугун ҳаётнинг ўзи олдимизга фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини янада мустаҳкамлаш вазифасини қатъий қилиб қўймоқда. Оммавий ахборот воситаларини янада эркинлаштириш, нодавлат матбуот нашрлари, радио, телевидение фаолиятини жонлантириш, уларнинг Интернет глобал тармоғига кириш имкониятларини кенгайтириш олиб борилаётган ислохотлар сиёсатининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашга, кучли фуқаролик жамиятининг изчил шаклланишига мадад бериши даркор.<sup>4</sup>

Миллий матбуотимизнинг сифатини, маҳорат ва таъсирчанлигини ошириш, уни ривожланган давлатларнинг оммавий ахборот воситалари эришган юксак талаб ва мезонлар даражасига кўтариш учун имкон берадиган шарт-шароитларни яратиш мақсадида оммавий ахборот воситалари соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштиришни таъминлаш зарур.

Оммавий ахборот воситаларига мамлакатимизда амалга оширилаётган ички ва ташқи сиёсатни, юртимизда ва хорижда содир бўлаётган воқеаларни фикрлар хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда, янада фаолроқ ёритиш учун кўшимча шарт-шароитлар туғдириб бериш лозим.

Нодавлат оммавий ахборот воситаларининг тобора кенгайиб бораётган тармоғи фаолиятининг, муаллифлик ҳуқуқи ва интеллектуал мулк ҳимоясининг, шунингдек, ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий этишнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Бу борада оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, соҳа ходимларининг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий механизмларни яратиш масалалари долзарб ўрин эгаллайди.

Соҳа ходимларининг меҳнатини муносиб баҳолаш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш газета ва журналлар таҳририятларининг мустақиллиги ва эркинлигини амалда таъминлаш билан бирга, уларнинг масъулиятини ҳам оширишни кўзда тутади.

### Қадрли ватандошлар!

Бўлиб ўтган сайловларда халқимиз, аввало, мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, сиёсий-ижтимоий ҳаётимизни модернизация қилиш ва демократлаштириш, бозор муносабатларини чуқурлаштириш, тинчликсевар ташқи сиёсат олиб бориш учун овоз берди.

Бугунги кунда эл-юртимиз ўзи сайлаган депутатлар ва сенаторларга, ислохотлар тақдирини учун масъул бўлган барча-барча инсонларга катта умид ва ишонч билан қарамоқда. Бундай



юксак ишончни оқлаш барчамиз учун ҳам қарз,  
ҳам фарздир.

Ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, депутатлик ва  
сенаторлик фаолиятингизда куч-қувват ва омад,  
хонадонларингизга бахту саодат ва фаровонлик  
тилайман.

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси ва Сенатининг  
қўшма мажлисидаги маъруза,  
2010 йил 27 январь*

## **АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ — ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШДИР**

**Хурматли мажлис иштирокчилари!**

Бизнинг бугунги асосий вазифамиз жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози чуқур тус олган бир шароитда ўтган 2009 йил якунларини танқидий баҳолаш ва шу асосда 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларини белгилаб олишдан иборатдир.

Шуни таъкидлаш керакки, аввало, 2009—2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури самарадорлигини ҳолисона баҳолаш муҳим принципиал аҳамият касб этади.

Нега деганда, 2010 йилда ва ундан кейинги йилларда ушбу дастурни амалга ошириш жараёнида, зарурат туғилишига қараб, унга тегишли ўзгартиришлар киритишда ана шу таҳлил ҳулосаларига таянишимиз мумкин бўлади.

Ўтган йил якунлари ҳақида гапирганда, 2009 йил биз учун ҳақиқатан ҳам ғоят қийин бўлганини айтиб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

2009 йил, моҳият эътиборига кўра, аввало, эски маъмурий-буйруқбозлик, тақсимлаш тизимидан бозор муносабатларига асосланган бош-

қарув тизимига ўтиш бўйича биз танлаган, машҳур беш тамойилни ўз ичига олган ўзбек модели, давлатимиз ва иқтисодиётимизни босқичма-босқич, изчил ислоҳ этиш ва тадрижий ривожлантириш стратегияси учун том маънода синов йили бўлди, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Шуни бугун катта мамнуният билан таъкидлашимиз керакки, ҳукуматимиз томонидан 2009—2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурининг инқироз таъсирини юмшатиш ва бартараф этишда роли ва аҳамияти катта бўлди.

Дастур ўзига қамраб олган, ўз вақтида қабул қилинган ҳужжатларда, аввало, мамлакатимиз молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизимининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари ва корхоналарга ёрдам кўрсатиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларнинг пухта ишлаб чиқилгани ўзининг амалий самарасини берди, десак, айтиш ҳақиқатни айтган бўламиз.

Амалга оширган тадбирларимиз қаторида молия-банк тизимини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

✓ Сўнгги икки йилда тижорат банкларининг умумий капитали 2 баробар кўпайди. Биргина ўтган йилнинг ўзида етакчи банкларнинг низом жамғармаларини ошириш учун қўшимча равишда 500 миллиард сўмдан ортиқ давлат мабляғлари ажратилди. ✓

Бугунги кунда Ўзбекистон банк тизими қатъий халқаро талабларга жавоб берадиган энг барқарор тизимлардан бири бўлиб, айна пайтда у белгиланган қатор нормативлар бўйича мустаҳкам позицияларга эга.

Банкларимиз капиталининг етарлилик даражаси 23 фоиздан ошади. Бу эса банklar мониторинги билан шуғулланадиган халқаро Базель кўмитаси томонидан белгиланган халқаро стандартлардан қарийб 3 баробар кўпдир.

Умумий активлари мамлакатимиз банк тизимининг 90 фоиздан ортиғини ташкил қиладиган 14 та тижорат банки «Фитч Рейтингс», «Мудис» ва «Стандарт энд Пурс» каби етакчи халқаро рейтинг компанияларининг «барқарор» деган юқори рейтинг баҳосини олишга муваффақ бўлди.

Ҳозирги кунда банklarнинг умумий активлари аҳоли ва юридик шахслар ҳисобрақамларидаги маблағлар миқдоридан 2 баробардан ҳам ортиқ бўлиб, бу уларнинг тўлиқ ҳимоясини ва тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилишини кафолатлайди.

Банк тизимининг умумий жорий ликвидлиги банklarнинг ташқи тўловлар бўйича жорий мажбуриятларидан 10 баробар кўпдир. Бошқача айтганда, республикаимиз банк тизимининг мустаҳкам ҳимояси яратилган.

Фақат ўтган йилнинг ўзида аҳоли омонатлари миқдори 1,7 баробар ошди. Сўнгги ўн йилда иқтисодиётнинг реал секторларини кредитлашга

йўналтирилган ички манбалар 25 баробардан зиёдроқ кўпайди.

Натижада банкларнинг кредит портфели таркиби тубдан ўзгарди. Агар 2000 йилда кредит портфелининг қарийб 54 фоизи ташқи қарзлар эвазига шаклланган бўлса, 2009 йилда банкларимиз жами кредит портфелининг 84 фоизи ички манбалар ҳисобидан шакллантирилди.

Бугунги шароитда эса бундай ижобий ўзгариш иқтисодиётимизнинг истиқболдаги тараққиёти учун ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Айтиш керакки, ташқи қарзлар аксарият ҳолларда узоқ муддатга, фақат иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаш учун жалб қилинмоқда.

Банкларнинг инвестиция мақсадларига йўналтирилган кредитларининг умумий кредит портфелидаги улуши қарийб 70 фоизни ташкил этди, иқтисодиётимизнинг реал секторига йўналтирилган кредитларининг умумий ҳажми эса 2009 йилда 2000 йилга нисбатан 14 баробар ошди.

✓ **Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозни шароитида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш бўйича,** биринчи навбатда, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, мустақкам ҳамкорликни йўлга қўйиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш масалалари алоҳида ўрин тутди.

Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсалида 50 та корхонанинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича муддати ўтган ҳамда жорий кредитор қарздорлиги қайта кўриб чиқилди. Бу мазкур корхоналар тасарруфида 350 миллиард сўмдан ортиқ маблағни қолдириш, уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш имконини берди.

Ҳисобот даврида саноат тармоқларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннарихи 18 фоизга, Олмалик кон-металлургия комбинати, «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси, «Ўзқурилишматериаллари» компанияси сингари ва бошқа корхона ҳамда тармоқларда 20-25 фоизга камайди.

Маълумки, паст рентабелли ва иқтисодий ночор корхоналарни тугатиш ва бу жараёнга тижорат банкларини жалб қилишга қаратилган ишлар корхоналарнинг молиявий барқарорлигини оширишда муҳим роль ўйнайди.

Мамлакатимиз бўйича, йирик корхоналарни ҳам қўшганда, жами 240 та корхона банкрот деб эълон қилинди. Айни пайтда уларнинг 154 таси янги мулкдорларга сотилди, 86 таси эса тижорат банклари балансига ўтказилди.

Бугунги кунда тижорат банклари балансига ўтказилган 70 та иқтисодий ночор корхонада ишлаб чиқариш тўлиқ қайта тикланиб, истиқболли сармоядорларга сотилди, қолганларида молиявий соғломлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Бу борада кўрилган чора-тадбирлар мамлакатимиз иқтисодиётини ортиқча юкдан халос қилиш, бюджет ва иш ҳақи бўйича умумий миқдори 1 триллион сўм кредиторлик қарзини узиш, банкрот корхоналар негизда 100 дан ортиқ янги турдаги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, кўшимча равишда 17 мингдан ортиқ иш ўрни яратиш имконини берди.

Кенг кўламли ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури доирасида ўтган йили 840 дан ортиқ лойиҳа амалга оширилди ва бу маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 2008 йилга нисбатан 2,3 баробар оширишни таъминлади.

Нефть-газ ускуналари, кимё саноати маҳсулотлари, автомобиль саноати учун бутловчи қисмлар ва бошқа 120 дан ортиқ янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, 2 мингга яқин янги иш ўрни яратилди.

**Ўнқирозга қарши чоралар дастури доирасида амалга оширилган яна бир йўналиш — мамлакатимиздаги маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, экспорт салоҳиятини мустақкамлаш бўйича қабул қилинган амалий чоралар муҳим аҳамиятга эга бўлди.**

Бундай корхоналарнинг барқарор ишлашини таъминлаш, ташқи бозорларда рақобатдошлигини ошириш учун уларни кўллаб-қувватлаш мақсадида қатъий чоралар кўрилди.

Энергия манбалари ва коммунал хизматлар нархларининг асоссиз ошишига йўл қўймаслик,

корхоналарда технологик жараёнларни оптималлаштириш ҳисобидан маҳсулот таннархини пасайтириш, экспорт нархларини шакллантиришга доир янги механизмларни жорий этиш, банк кафолатлари муддатларини узайтириш, кўшимча қиймат солиғини қайтариш муддатини қисқартириш ва бошқа рағбатлантириш чоралари шулар жумласидандир.

Республикамиз банклари томонидан кўрсатилган ёрдам маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарнинг барқарор ишлашини таъминлашда муҳим роль ўйнади.

Биргина ўтган йилнинг ўзида бу корхоналарга айланма маблағларини кўпайтириш учун умумий миқдори 233 миллиард сўмдан иборат имтиёзли кредитлар берилгани уларга, ўз маҳсулотини экспорт қилиш бўйича юзага келган вақтинчалик қийинчиликларга қарамасдан, ишлаб чиқаришнинг пасайишини олдини олиш имконини берди.

Маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида уларнинг барқарор ишлашини таъминлашга, 2009 йилда экспорт ҳажмини 2,4 фоиз оширишга эришдик.

Бу ўтган йили ташқи савдо айланмасини 2,3 миллиард доллардан кўпроқ ижобий сальдо билан яқунлаш имконини берди. Бундай натижа, ўз навбатида, мамлакатимизнинг тўлов балансининг ишончлилиги ва иқтисодийимиз барқарорлигини янада мустаҳкамлашга имкон берди.



Дастур доирасида амалга оширган яна бир муҳим тадбиримиз — солиқ юқини енгиллаштириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш бўйича хўжалик тузилмаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида қўшимча чоралар кўрилганидир. ✓

Ўтган йили мамлакатимиз хўжалик субъектларига кенг кўламли қўшимча солиқ ва божхона имтиёзлари берилди.

Енгил ва озиқ-овқат саноатининг истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналари, шунингдек, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурида иштирок этаётган корхоналар учун даромад солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича имтиёзлар яратилди.

Уй-жой қуриш ва реконструкция қилиш бўйича янги ташкил қилинаётган ихтисослаштирилган пудрат ташкилотлари 5 йил муддатга барча турдаги солиқлардан озод этилди. Корхоналар муассисларининг капиталлашув ва инвестиция киритишга йўналтириладиган дивидендлари ҳам ана шу муддатга солиққа тортилмайдиган бўлди.

Мухтасар айтганда, Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш доирасида солиқ имтиёзлари ва преференциялар бериш ҳисобидан 500 миллиард сўмдан ортиқ маблағ хўжалик субъектлари тасарруфида қолдирилди. Бу маблағ уларнинг айланма маблағларини тўлдириш, ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш, янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш, ишчиларни моддий рағбатлантириш учун йўналтирилди.

Иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутаётган **кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.** ✓

Ҳозирги кунда кичик бизнес субъектлари ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 50 фоизини ишлаб чиқармоқда. Ҳолбуки, 2000 йилда бу кўрсаткич 30 фоизни ташкил этган эди. Бундай натижа, биринчи навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлат томонидан доимий қўллаб-қувватланаётгани самарасидир.

2009 йилда кичик саноат корхоналари учун ягона солиқ тўлови 8 фоиздан 7 фоизга пасайтирилди, якка тартибдаги тадбиркорлар учун эса қайд этилган солиқ миқдори ўртача 1,3 баробар камайтирилди.

Тадбиркорларнинг ўз ишини ташкил этиш билан боғлиқ сарф-харажатлари сезиларли даражада камайди. Масалан, архитектура-режалаштириш топшириқ тўпламларини олиш қиймати 4 баробар, лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш 2,5 баробар, кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш қиймати эса 2 баробарга пасайтирилди.

Йил давомида инвентаризация натижасида аниқланган қарийб 2 мингта бўш бино кичик тадбиркорлик субъектларига ижарага берилди. Бунда биноларни ижарага бериш тарифлари тад-

биркорлик субъектларининг қарда жойлашгани ва уларнинг фаолият турига қараб 3 баробардан 10 баробарга қадар камайтирилди.

Ушбу секторга ажратилган кредит ресурсларининг умумий ҳажми 1,8 триллион сўмдан ошди.

✓ Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда инвестицияларни жалб этиш, аввало, ички манбаларни сафарбар этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш ҳал қилувчи устувор йўналишга айланди. ✓

Инвестиция дастури ва техник модернизациялаш бўйича тармоқ дастурлари доирасида 2009 йил мобайнида 690 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. Уларнинг 303 таси муваффақиятли яқунланди.

Республикамизда жами 22 та йирик ишлаб чиқариш объекти, жумладан, нефть-газ, кимё, металлургия саноатида 8 та, машинасозлик саноатида 9 та ва қурилиш индустриясида 5 та объект фойдаланишга топширилди.

Ўтган йили «Фарғонаазот» ва «Максам — Чирчиқ» корхоналарида аммиак агрегатларини реконструкция қилиш, Наманган шаҳрида енгил автомобиллар учун фара ва чироқлар ишлаб чиқарадиган завод, Бухоро шаҳрида «ДЭУ текстиль» тўқимачилик комплекси қурилиши каби стратегик лойиҳалар ниҳоясига етказилди.

«Газли» қўшимча компрессор станцияси ишга туширилди, шунингдек, «Қўнғирот» компрессор станциясида кунига 35 миллион куб метр газни қуритадиган иншоот барпо этилди.

Туркманистондан Ўзбекистон ҳудуди орқали Хитойга ўтадиган газ қувурини тортиш ишлари яқунланди. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизнинг транзит имкониятларини янада кенгайтиради.

Бундан ташқари, ҳудудларимизда, аввало, қурилиш материаллари саноати, озиқ-овқат, енгил саноат ва бошқа тармоқларда кичик бизнес соҳасида фаолият олиб борадиган 480 дан ортиқ янги ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бир нечта кичик станцияни ўз ичига олган «Янги Ангрен — Ўзбекистон» ЛЭП-500 электр узатиш линияси, Қамчиқ довони орқали ўтадиган 165 километрлик «Оҳангарон — Пунгон» магистраль газ қувури, «Ғузор — Сурхон» юқори вольтли электр узатиш линиясини қуриш бўйича стратегик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш натижасида мамлакатимизда ягона электр ва газ тармоғи тизимларини ташкил этиш ишлари, асосан, яқунланди.

Бу эса Фарғона водийси ва Ўзбекистон жанубида яшайдиган аҳолини табиий газ ва электр энергияси билан ишончли таъминлаш, шунингдек, электр энергия экспорт қилишни сезиларли равишда ошириш имконини беради.

Юқори даражадаги халқаро стандартларга жавоб берадиган, мамлакатимизнинг барча ҳудуд-

ларини ўзаро ишончли боғлайдиган ва минтақавий ҳамда жаҳон бозорларига чиқишни таъминлайдиган Ўзбекистон миллий автомагистралини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича кенг кўламли дастурни амалга ошириш ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлди.

Ўтган йилда 217 километрлик автомобиль йўли фойдаланишга топширилди, 538 километр йўл ва 19 та кўприк капитал таъмирланди. Бу ишларни амалга ошириш учун Республика йўл жамғармаси ҳисобидан 280 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Йўл-қурилиш техникасини сотиб олиш учун Осиё тараққиёт банкининг умумий қиймати 56 миллион долларга тенг бўлган имтиёзли кредит ресурслари жалб этилди.

Мамлакатимиз темир йўл транспорт тизимини ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича ишлар давом эттирилди. «Тошгузар — Бойсун — Кумқўрғон» янги темир йўл линиясида Япония капитали иштирокида 5 та кўприк фойдаланишга топширилди.

«Навоий — Учкудуқ — Султон Увайстоғ — Нукус» темир йўл линиясининг 6 та янги разъезди ишга туширилди. Темир йўлларни электрлаштириш, темир йўл локомотивлари парки ва ҳаракатдаги таркибни янгилаш лойиҳаларини амалга ошириш ишлари бошланди.

2009 йилда Навоий вилоятида ташкил этилаётган эркин индустриал-иқтисодий зонанинг асосий объектларидан бири сифатида Навоий шах-

ри аэропорти базасида халқаро ташишлар бўйича интермодаль марказ қурилиши юзасидан катта ишлар амалга оширилди.

Ўтган йил мобайнида «Кореан Эйр» компаниясидан миллий авиакомпаниямиз ижарага олган замонавий транспорт самолётлари билан ушбу аэропортдан халқаро йўналишлар бўйича 330 дан ортиқ рейс амалга оширилди ва қарийб 8,5 минг тонна юк ташилди. Бу Навоий шаҳри аэропортини глобал логистика тармоғига интеграциялаш имконини берди.

Ангрен шаҳрида мамлакатимиз ҳудудлари ва Фарғона водийси вилоятлари ўртасида йил давомида кафолатли транспорт алоқасини таъминлайдиган Халқаро логистика маркази қурилиши якунланди ва фойдаланишга топширилди.

**Коммуникация тизимларини ривожлантириш ҳақида гапирганда, юқори технологик телекоммуникация тармоғини ривожлантириш биз учун муҳим стратегик аҳамиятга эга эканини алоҳида қайд этиш даркор.**

Бугунги кунда ҳаётимизни компьютер техникаси, ахборот технологиялари, Интернет, мобил телефон алоқасисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Бу йўналишда 2009 йилда 12 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бошланди. Замонавий технологиялар базасида «Тошкент — Бухоро» магистраль алоқа линияси кенгайтирилди. Бу линия каналларнинг ўтказувчанлик қобилиятини 60 баробарга ошириш ва шу тариқа видеоте-

лефон, Интернет ва бошқа кенг тармоқли хизматлар кўрсатиш имконини берди.

Шу билан бирга, «Андижон — Ўш», «Кўнғирот — Бейнов», «Денов — Турсунзода» ва «Термиз — Ҳайратон» йўналишлари бўйича халқаро алоқа линиялари ишга туширилди.

Яна бир устувор йўналиш — ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастурини амалга ошириш доирасида 2009 йилда 840 километрлик коллектор-дренаж тармоқлари, 250 та дренаж қудуқлар, 15 та мелиорация насос станциялари ва иншоотлари қурилди ҳамда реконструкция қилинди. Ўтган йили ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш учун 130 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

Натижада 240 минг гектардан ортиқ суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди ва бу қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини, фермер хўжалиқларининг даромадини ошириш имконини беради.

2009 йилда йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, ишлаб чиқариш ва коммуникация объектлари, қишлоқ хўжалиги ҳамда мелиоратив қурилишни ривожлантириш билан бир қаторда ижтимоий соҳани янги босқичга кўтариш масалалари ҳам эътиборимиз марказида бўлди.

Ушбу мақсадлар учун 2009 йилда жами 2,5 миллиард доллар миқдорида капитал маблағлар йўналтирилди. Бу ўзлаштирилган капитал маб-

лағлар умумий ҳажмининг 27,8 фоизини ташкил этади. ✓

Азиз дўстлар!

Ўтган йили мамлакатимиз ҳаётида ҳақиқатан ҳам улкан тарихий аҳамиятга эга бўлган энг муҳим ижтимоий дастурлар — Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг ижроси амалда ниҳоясига етказилди. 9 йиллик умумтаълим мактаб босқичини ва 3 йиллик ўрта махсус, касб-ҳунар таълим босқичини ўз ичига олган узлуксиз яхлит таълим тизими яратилди.

Бир сўз билан айтганда, фарзандларимизга умумий таълим билан бирга, замонавий касб-ҳунарларга эга бўлиш имконини берадиган **12 йиллик таълим тизимига ўтиш якунланмоқда.**

2009 йилда Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида амалга оширилган чора-тадбирлар самарадорлиги ҳақида гапирганда, уларнинг, аввало, энг муҳим масалаларга — **янги иш ўринларини яратиш ва аҳолимизнинг турмуш даражасини янада оширишга йўналтирилганини** алоҳида қайд этиш зарур.

Ўтган йили кўрилган амалий чоралар натижасида мамлакатимизда 940 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди, уларнинг 500 мингга яқини қишлоқ жойларда ташкил этилди. Кичик бизнес соҳасида 390 мингдан зиёд, шу жумладан, хизмат кўрсатиш соҳасида 270 мингдан ортиқ янги иш ўринлари очилди.



Саноат корхоналари билан кооперация асосидаги касаначиликни ҳамда пудрат шартномаси асосидаги уй меҳнатини рағбатлантириш аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим йўналишларидан биридир. Ана шундай меҳнат фаолиятини ривожлантириш натижасида 130 мингга яқин иш ўрни яратилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Бандлик даражасини оширишга қаратилган бундай чора-тадбирлар инқироз шароитида аҳолини ишончли ҳимоя қилиш, унинг даромади ва моддий фаровонлигини ошириш имконини таъминлади.

Аҳолининг реал даромадлари йил давомида 26,5 фоизга кўпайгани, иш ҳақи, пенсия ва нафақаларнинг ўсиши 2009 йилда ўрта ҳисобда 40 фоизни ташкил этгани бунинг тасдиғидир.

**Азиз юртдошлар!**

Мамлакатимизни ривожлантириш, янгилаш ва модернизация қилиш бўйича танлаган стратегиямизни ва Инқирозга қарши қабул қилган дастуримизни амалга ошириш натижасида юртимиз дунёдаги санокли давлатлар қаторида иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг барқарор суръатларини таъминлаш, аҳолимизнинг моддий фаровонлигини юксалтиришга эришгани барчамизга катта мамнуният ва ифтихор бағишлайди, албатта.

2009 йилда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,1 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 9,0 фоизга кўпайди, қишлоқ хўжалигидаги ўсиш 5,7 фоизни таш-

кил этди, чакана савдо айланмаси 16,6 фоиз, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 12,9 фоизга ошди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўтган йили юзага келган мураккаб иқлим шароитига қарамай, мамлакатимизда илк бор 7,3 миллион тоннадан ортиқ дон, шу жумладан, 6 миллион 600 минг тонна буғдой етиштирилди, 3,4 миллион тонна пахта хом ашёси тайёрланди.

Ўтган йили иқтисодийга инвестициялар киритиш ҳажми 8,2 миллиард долларни ташкил этди, бу эса 2008 йилга нисбатан 24,8 фоиздан кўп демакдир. Жалб этилган хорижий инвестициялар ҳажми 68 фоизга ўсди, энг муҳими, уларнинг асосий қисми тўғридан-тўғри киритилган инвестициялар бўлиб, уларнинг ҳажми 1,8 баробар ошди.

Мамлакатимизда инфляция даражаси 7,4 фоизни ташкил этиб, 2009 йил учун белгиланган прогноз кўрсаткичларидан ошмади. Шуни айтиш керакки, давлатимиз бюджети ўтган йили ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз миқдорда профицит билан бажарилди.

Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш борасида эришган ютуқлари нуфузли халқаро молия ташкилотлари ва иқтисодий институтлар, жумладан, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва дунёнинг бошқа бир қатор етакчи молиявий институтлари томонидан эътироф этилди.

2009 йилнинг октябрида юртимизга ташриф буюрган Халқаро валюта жамғармаси ижрочи

директорлари миссиясининг баёнотида, жумладан, шундай дейилади: «Ўзбекистон ҳукумати жаҳон иқтисодий инқирози шароитида иқтисодий ўсишни таъминлаш учун зарур бўлган кўплаб ресурсларни жамлаган ҳолда, жаҳон молия бозорларида оқилона сиёсат олиб борди. Бундай пухта ўйланган сиёсат мамлакатнинг глобал иқтисодий инқироз таъсирига самарали қарши тура олишида муҳим омил бўлди».

### Қадрли дўстлар!

Мамлакатимизни 2010 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига ўтишдан олдин нуфузли халқаро экспертлар ва иқтисодчиларнинг айрим умумий хулосалари, уларнинг 2010 йилда жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш тенденциялари бўйича прогнозлари хусусида қисқача тўхталиш жоиз, деб ҳисоблайман.

**Аввало**, шунини айтиш керакки, уларнинг таҳлил ва хулосаларига кўра, жаҳон молиявий инқирозининг дунё мамлакатлари иқтисодиётига оғир таъсири тобора пасайиб боради ва 2010 йилда жаҳон иқтисодиётининг аста-секин ўсиши кутилади.

2009 йилда глобал иқтисодиётнинг ўсиши тахминан 1 фоизга қисқарган бўлса, жорий йилда дунёда иқтисодий ривожланиш 3 фоиз атрофида ошиши мумкин, бу эса инқирозгача бўлган даврдаги кўрсаткичлардан анча пастдир.

Таҳлилчиларнинг қайд этишича, ишсизлик даражасининг ўсиши кутилмоқда ва бу аҳоли-

нинг турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатиши табиийдир.

**Иккинчидан.** Халқаро бозорнинг ривожланишидаги беқарорлик, кўплаб мамлакатларда товарларга ички талабнинг пасайиши давом этаётгани иқтисодиётнинг реал сектори суръатларининг изчил ўсиши учун мустаҳкам асос яратиш имконини бермаётганини таъкидлаш лозим.

Инқироз авжга чиққан даврда давлатларнинг иқтисодиётга кенг миқёсда аралашуви, биринчи навбатда, банк-молия тизими ликвидлигини қўллаб-қувватлашга, ипотека кредитлари соҳасидаги ўпирилишларни бартараф этишга қаратилиб, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларига, ишлаб чиқаришга, кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳаларига кам эътибор берилгани вазиятга салбий таъсир ўтказиши мумкин.

Шу муносабат билан корхоналар ва компанияларнинг молиявий аҳволи заифлиги, уларнинг қарзлар ва банк кредитларини қайтаришга лаёқатсизлиги билан боғлиқ муаммолар жорий йилда иқтисодиётнинг реал секторига жиддий таъсир кўрсатади.

2010 йилда ва кейинги йилларда банк тизимида ипотека ва истеъмол кредитлари бўйича қайтарилмаган кредитлар ҳажмининг ўсиши оқибатида банкротликнинг янги тўлқини хавфи вужудга келиши мумкин.

Шу билан бирга, ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши ва қисқариши, ишсизлик даражаси-

нинг ўсиши ва аҳоли реал даромадларининг чекланиши солиқ тушумларининг жиддий камайишига, давлат бюджети тақчиллигининг ошишига олиб келиши ва бу жараён айрим мамлакатларда сурункали тус олиши мумкин.

**Учинчидан.** Бозорда истеъмол талабининг пайсиши давом этаётгани нарх-наво ошишини чегаралаб турганлигига, қаердадир дефляция мавжудлигига қарамай, аввало, пул маблағларининг улкан эмиссияси ҳисобидан банклар ликвидлигини сақлаб туриш мақсадида банклар ва молиявий секторларнинг жуда катта миқдорда пул кредитлари билан тўлдирилиши бир қатор мамлакатларда инфляция жараёнларининг кескин кучайиб кетиш хавфини юзага келтиради.

Бундай шароитда кучайиб бораётган инфляция даражасини жиловлаб туриш ниҳоятда мушкул вазифага айланишини тушуниш қийин эмас.

**Тўртинчидан.** Фонд, хом ашё ва молия бозорларида катта спекулятив ўйинлар давом этаётгани, реал қийматга эга бўлмаган пул ҳажмининг кўпайиши, бошқача айтганда, янги молиявий «кўпиклар» хавфининг авж олаётгани яна молиявий касодларга олиб келиш хавфини туғдириши мумкин.

**Бешинчидан.** Иқтисодиётнинг шаклланиши ва ривожланиши йўлидаги энг катта муаммолар, аввало, ривожланаётган мамлакатларда, жаҳон амалиётида давом этаётган протекционизм сиёсати оқибатида вужудга келмоқда.

«Катта йигирмалик» деб ном олган давлатлар гуруҳининг йиғилишларида бундай номаъқул ишларга йўл қўйиб бўлмаслиги ҳақида кўплаб баёнотлар берилаётганига қарамай, эркин иқтисодиётга яққол тўсқинлик қилиб турган протекционизмдан яқин орада қутулиш қийин, деган таассурот пайдо бўлади.

**Олгинчидан.** Халқаро валюта жамғармаси экспертларининг фикрича, давлатнинг иқтисодиётга ҳаддан ташқари аралашувини камайтиришга тайёргарлик кўриш 2010 йилда ва ундан кейинги йиллардаги устувор вазифа бўлиб қолиши зарур.

Молиявий-иқтисодий соҳадаги қўллаб-қувватлаш чораларининг ҳаддан зиёд узоқ давом этиши иқтисодиётни мутаносиб ривожлантиришда мувозанатнинг бузилиши ва эркин тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги жиддий чеклашлар каби хавфларни келтириб чиқариши мумкин.

Бир сўз билан айтганда, молиявий инқироз шароитида жаҳон иқтисодиёти ривожланишига оид бундай баҳолар ва прогнозлардан келиб чиқадиган хулоса шундан далолат берадики, инқирознинг энг оғир босқичи ортада қолганига қарамай, ҳали-бери давом этадиган молиявий-иқтисодий инқирознинг бутун бир даврини бошдан кечиришга тўғри келади.

Инқироздан чиқиш ва инқироздан кейин иқтисодиётни соғломлаштириш жараёни узоқ давомли ва ўта мураккаб бўлиши мумкин.

**Ҳурматли мажлис қатнашчилари!**

2010 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим мақсади ва асосий устувор вазифаси — бу ислохотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, 2009—2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини сўзсиз бажариш ва шу асосда иқтисодий ривожланишнинг юқори ва барқарор суръатларини, самарадорлигини ҳамда макроиқтисодий мувозанатни таъминлашдан иборатдир.

Юртимиз салоҳиятининг тобора юксалиб бораётгани, сўнги йилларда ишга туширилган янги замонавий қувватлар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг ривожини, тизимли равишда амалга оширилаётган ислохотлар ва иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши, мамлакатимизда яратилган ниҳоятда қулай инвестиция муҳитини бизга 2010 йилда қуйидаги режаларни белгилашга асос беради.

Ялпи ички маҳсулот ва саноат маҳсулотларини 108,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини 105 фоизга ошириш, иқтисодиётга инвестиция киритиш ҳажмини ялпи ички маҳсулотга нисбатан 30 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда.

Маҳсулот экспортини 8,5 фоизга оширишни таъминлаш, юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулот улушини ошириш ҳисобидан унинг таркибинини сифат жиҳатидан ўзгартириш вазифаси қўйилмоқда.

2009 йилга нисбатан бюджет-молия ва пул-кредит сиёсатини, биринчи навбатда, ресурслар ва энергияни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш ҳисобидан тежамкорлик режимини янада қатъийлаштириш мўлжалланмоқда. Инфляция даражаси 7-9 фоиз атрофида бўлиши кутилмоқда.

Олдимизга қўйилган бундай мақсадларга эришиш, аввало, ўз имконият ва ресурсларимизни қай даражада сафарбар этишимизга, ҳамон катта хавфи сақланиб қолаётган инқироз оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурида кўзда тутилган чора-тадбирларни сўзсиз бажаришни нечоғли таъминлай олишимизга боғлиқ.

Бу эса Вазирлар Маҳкамасидан ҳар бир алоҳида йўналиш учун масъул бўлган ижрочилар томонидан ўзига юклатилган вазифаларни тармоқ комплекслари ва ҳудудлар бўйича амалга оширилишини қатъий ва тизимли равишда назорат қилишни тақозо этади.

Давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини ва унинг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсирини эътиборга олган ҳолда, **банк-молия тизимининг барқарорлигини таъминлаш муҳим устувор вазифа бўлиб қолмоқда.**

Бу ўринда гап банкларнинг капиталлашуви ва инвестициявий фаоллигини янада ошириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг устувор йўналишларини қайта тиклаш ва кенгайти-



риш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган кредитлаш ҳажмини ошириш ҳақида бормоқда.

Барчамиз оддий бир ҳақиқатни яхши англаб олишимиз даркор — инвестицияларсиз модернизация ҳам, янгилашни ҳам бўлмайди.

Бу ўринда биз нафақат корхоналар томонидан инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштиришни, балки бундан тижорат банклари қанчалар манфаатдор экани ва улар бу лойиҳаларда ўз кредит ресурслари билан нечоғли фаол иштирок этаётганини ҳам кўзда тутамиз.

Бунинг учун тижорат банклари етарли капиталга эга, молиявий барқарор бўлиши лозим, бир сўз билан айтганда, **улар йирик инвестиция институтларига айланиши даркор.**

Тижорат банкларининг узоқ муддатли кредитлари улушини ошириш бўйича кўрилган чоралар туфайли 3 йилдан ортиқ муддатга берилган кредитларнинг банклар кредит портфелининг умумий ҳажмидаги улуши ҳозирги пайтда 69 фоизга етди ва сўнгги ўн йилда 28 баробар кўпайди.

Марказий банк ва Молия вазирлиги тижорат банклари билан биргаликда банкларнинг жами капиталини 2010 йилда камида 20 фоизга ошириши, яқин икки йилда эса унинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан ҳажмини 10 фоизга етказиши лозим.

Бу борада банк хизматининг янги турларини жорий этиш, аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш маблағларини банкларнинг узоқ муддатли

депозитларига жалб этишни камида 30 фоизга кўпайтириш, мамлакат иқтисодиётига киритиладиган узоқ муддатли кредит қўйилмалари улушини ички манбалар ҳисобидан ошириш учун мустаҳкам асос яратиш масалаларини қўшимчаравишда ишлаб чиқиш талаб этилади.

Тижорат банклари фаолиятини баҳолаш мезонларини ўзгартириш зарур — бугунги кунда уларнинг ишини узоқ муддатли кредит қўйилмалари улушининг ўсиши ва бунинг учун ички манбаларни жалб этиш нуқтаи назаридан баҳолаш керак.

Шу ўринда ўз кредит портфелида 85 фоиздан зиёд узоқ муддатли кредитга эга бўлган Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва 71 фоиз ана шундай кредитга эга бўлган «Ўзсаноатқурилишбанк» фаолиятини алоҳида қайд этишни истардим. Бундай фаолият бошқа банклар учун ўрناق бўлиши лозим.

Тижорат банкларини зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш жараёнига жалб қилиш тажрибаси амалда ўзини тўла оқлади.

Ҳали ҳам эски техника ва технологиялар асосида ишлаётган, ҳеч қандай иқтисодий истиқболи бўлмаган корхоналарни тугатиш ва уларнинг негизида янги замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш даркор.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерликни ривожлантиришни молиялашда тижорат банкларининг ролини кучайтириш бўйича ишларни давом эттириш зарур.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига 2010 йилда кредит ресурслари ажратиш миқдорини 1,4 баробар кўпайтириш, микрокредитлар ҳажмини 1,3 баробар ошириш вазифаси қўйилмоқда.

Мамлакатимизнинг рақобатдошлигини оширишни таъминлаш учун иқтисодий таркибий ўзгартириш жараёнларини чуқурлаштириш сиёсатини давом эттириш 2010 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурни амалга оширишнинг муҳим устувор йўналишига айланиши лозим.

Шуни ҳолисона тан олиш керакки, бу йўналишда кўп ишлар қилинди ва салмоқли натижалар кўлга киритилди.

Изчил дастурни амалга ошириш натижасида 2009 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотига саноат ишлаб чиқариши улуши 2000 йилга нисбатан 14 фоиздан 24 фоизга, транспорт ва алоқа соҳалари улуши 7,7 фоиздан 12 фоизга ошди, айни пайтда қишлоқ хўжалигининг улуши эса 30 фоиздан 18 фоизга камайди.

Шу билан бирга, иқтисодийтимиз яқин йиллар ичида янада барқарор, ўзига бақувват, жаҳон ва минтақавий бозорларда рақобатдош бўлмоғи учун иқтисодийтимизни таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш бўйича ҳали кўп иш қилиш лозимлигини ҳам биз ўзимизга яхши тасаввур этамиз.

Бу ўринда, мамлакатимиз ва минтақамиздаги мавжуд шароитдан келиб чиққан ҳолда, газни қайта ишлаш, нефть-кимё, кимё саноати, энер-

гетика, автомобилсозлик, электротехника саноати, машинасозлик, фармацевтика каби замонавий соҳалар ва ишлаб чиқариш тармоқларини ва албатта, ахборот технологиялари ва телекоммуникация тизимларини жадал ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериш, яқин келажакда рақамли ва кенг форматли телевидениега ўтиш ҳақида сўз бормоқда.

Шулар қаторида, биринчи навбатда, енгил, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноатида пахта толаси, бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқаришни, қурилиш материаллари саноатини янада ривожлантириш, сифатли ва барқарор талабга эга бўлган тайёр маҳсулотлар тайёрлайдиган корхоналар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиш даркор.

Вазирлар Маҳкамаси қабул қилинган тармоқ дастурларини яна бир бор танқидий қайта кўриб чиқиши, уларга тузатишлар киритиш ва жадал амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўриши лозим.

Бу борада қуйидагиларни эътиборга олиш даркор:

**Биринчидан:** корхоналар ўртасида барқарор кооперация алоқаларини ўрнатиш ва уларни кенгайтириш бўйича бошланган ишларни давом эттириш, бу жараёнга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини фаол жалб қилиш зарур.

Республика саноат ярмаркаси ва кооперация

биржаси ишини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш лозим.

Шуни назарда тутиш керакки, кооперация алоқаларини ривожлантириш ҳозирги шароитда корхоналар ва иқтисодиёт тармоқлари фаолияти барқарорлигининг кучли омили, маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш ва энг асосийси — янги иш ўринларини яратиш, аҳоли бандлиги ва даромадларини кўпайтиришнинг энг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Ўтган йили ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш бўйича ҳукумат қарорлари қабул қилинди, яхлит тизим яратилди, маҳаллийлаштириш дастурларини ишлаб чиқишга масъул бўлган идоралар — Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг фаолият йўналиши ва ваколатлари доираси аниқ белгилаб қўйилди.

Бу ишни мантиқий якунига етказиш, шаклланган ёндашув ва мезонларни ҳисобга олган ҳолда, амалдаги маҳаллийлаштириш дастурига киритилган лойиҳаларни танқидий кўриб чиқиш ва бир ой муддатда 2010 йилга мўлжалланган маҳаллийлаштириш дастурини тайёрлаш зарур.

2010 йилда маҳаллийлаштириш асосида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳажми ўтган йилга нисбатан 40 фоизга ўсиши, шу борада экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг улуши эса камида 12 фоизни ташкил қилиши лозим.

**Иккинчидан:** сўнгги йилларда иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдорини ошириш, жисмоний шахслар даромадидан олинган солиқ ставкаларини камайтириш, инфляция даражасини пасайтириш бўйича кўрилган чоратадбирлар натижасида аҳолининг ялпи ва реал даромадлари сезиларли равишда ошди, унинг харид қобилияти барқарор суръатда ўсиб бормоқда. Жумладан, ўтган йили 2000 йилга нисбатан ўртача иш ҳақи 28,5 баробар, пенсияларнинг ўртача миқдори қарийб 18 баробар, аҳоли жон бошига нисбатан пул даромадлари эса 12 баробар ошди.

Жорий йилда ҳам иш ҳақини камида 30 фоизга, реал даромадларни эса 23 фоизга ошириш мўлжалланмоқда. Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари таркибига кирмайдиган, узоқ фойдаланишга мўлжалланган саноат товарларини харид қилиш бўйича харажатлари сезиларли даражада ўсди.

Бундай шароитда аҳолининг ўсиб бораётган тўлов қобилияти билан мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарлари ҳажми ўртасида ички бозорда мутаносибликни таъминлаш, бундай маҳсулотлар турини кенгайтириш, бозорларимизни улар билан ишончли тарзда тўлдириб бориш алоҳида аҳамият касб этади.

Вазирлар Маҳкамаси шу масалага бағишланган ўз мажлисида қабул қилинган дастурлар ижросини танқидий баҳолаши, уларни жадал амал-

га ошириш ва ички бозорни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, импорт товарларидан сифати юқори, нархи эса арзон бўлган маҳсулотлар билан тўлдириш, юртдошларимизнинг ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўриши лозим.

**Учинчидан:** аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини янада кенгайтириш фоят муҳим аҳамиятга эга. Бундай тармоқлар ташқи конъюнктурага ҳам, об-ҳаво шароитига ҳам боғлиқ эмас, яъни ташқи омилларнинг ўзгариши уларга таъсир кўрсата олмайди.

Айни пайтда бу хизматлар ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг кўплаб турларига ички талабни оширади, шунингдек, истеъмол бозорида мутаносибликни сақлашда муҳим роль ўйнайди.

Буларнинг барчасини назарда тутган ҳолда, хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 2009 йилдаги 47 фоиздан 2010 йилда 49 фоизга етказиш зарур.

**Тўртинчидан:** нисбатан барқарор ва бозор конъюнктураси ўзгаришларига тез мослашувчан, янги иш ўринлари яратиш имконини берадиган кичик бизнесни жадал ривожлантириш масаласини ҳал этиш бизнинг шароитимизда ҳамон муҳим аҳамиятга молик масала бўлиб қолмоқда.

Айнан шунинг учун ҳам биз 2010 йилда барча кичик бизнес корхоналари учун ягона солиқ тўло-

ви ставкасини 7 фоизга тушириш тўғрисида қарор қабул қилдик.

Ҳукумат, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини уларга кредит ажратишни сезиларли даражада кенгайтириш, уларнинг фаолиятига давлат органлари томонидан ноқонуний аралашув ва турли тўсиқлар қўйиш ҳолатларига йўл қўйилмаслик ҳисобидан қўллаб-қувватлаш бўйича чоратадбирларни кучайтириши шарт.

Кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини ўтган йилдаги 50 фоиздан 2010 йилда 52,5 фоизга етказиш вазифаси қўйилмоқда.

**Бешинчидан:** экспорт қилинадиган маҳсулотларимиз таркибини ва умуман, ташқи савдо айланмасини янада диверсификация қилиш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Кейинги вақтда жаҳон бозорида нархи кескин тушиб кетган хом ашё ресурсларини экспорт қилиш амалиётидан имкон қадар тезроқ қутулиб, тайёр рақобатдош маҳсулотлар экспортини фаол ошириш ва бу маҳсулотлар етказиб бериладиган мамлакатлар географиясини янада кенгайтиришимиз керак.

Бу борада янги бозорлар, янги транспорт йўлакларини топиш, бир сўз билан айтганда, фаол маркетингга асосланган ташқи иқтисодий сиёсат юритиш зарур.

Биз 2010 йилда экспорт қилинадиган юкларни ташиш тизимини такомиллаштириш масалалари билан жиддий шуғулланишимиз керак. Шу



муносабат билан Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигига тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган ҳар бир тармоқ бўйича 2010—2012 йилларга мўлжалланган тайёр маҳсулотни янги ташқи бозорларга чиқариш бўйича махсус дастурлар ишлаб чиқиш вазифаси топширилади.

Бу дастурларда барча зарур чораларни, жумладан, маркетинг, молия ва ташкилий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш масалаларини назарда тутиш даркор.

**Азиз дўстлар!**

**Узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган, мамлакатимизнинг салоҳияти, қудрати ва иқтисодиёти-мизнинг рақобатдошлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган навбатдаги муҳим устувор йўналиш — бу асосий етакчи соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб боришдан иборат.**

2010 йилда Инвестиция дастурига мувофиқ капитал қўйилмалар ўтган йилга нисбатан 22,1 фоизга ортиб, ялпи ички маҳсулотнинг 30 фоизини ташкил қилади. Бунда биргина ишлаб чиқариш соҳасига мўлжалланган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун барча капитал қўйилмаларнинг 75 фоиздан зиёди йўналтирилади.

2010 йилда мамлакатимизда муҳим стратегик лойиҳаларни амалга ошириш учун 3 миллиард АҚШ долларидан зиёд ёки ўтган йилга нисбатан 30 фоиз кўп хорижий инвестициялар жалб қилинишини эътиборга оладиган бўлсак, ўйлайманки, амалга ошириладиган лойиҳаларнинг кўлами ва салмоғи ўз-ўзидан аён бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 46 фоизга ошади.

Бундай йирик лойиҳаларни, биринчи навбатда, инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш учун ички ресурсларни жалб қилишда мамлакатимизда 2007 йили ташкил этилган Тикланиш ва тараққиёт фонди жуда катта ҳисса қўшди. Бугунги кунда бу фонднинг жамғармаси 3,7 миллиард долларни ташкил этмоқда.

Дунёдаги машҳур ва нуфузли компаниялар, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислон тараққиёт банки, Жанубий Корея, Япония тараққиёт банклари сингари молия институтлари, қатор араб давлатларининг инвестиция фондлари ва бошқа хорижий ташкилотлар юқори қўшимча қийматга эга бўлган, юксак технологияларга асосланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда бизнинг йирик ҳамкорларимиз бўлмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, иқтисодиётимизнинг етакчи ўринларга чиқиши учун Тошкент, Навоий ва Толлимаржон иссиқлик электр стан-

цияларида буг-газ мосламаларини қуриш, Сургил кони базасида полиэтилен ва пропилен ишлаб чиқарадиган Устюрт газ-кимё мажмуасини барпо этиш, поливинилхлорид ва каустик сода ишлаб чиқарадиган янги комплекс ташкил этишга қаратилган йирик лойиҳалар амалга оширилишини айтиб ўтиш лозим, деб биламан.

Шу билан бирга, Муборак газни қайта ишлаш заводи ва Шўртаннефтваз мажмуасида суюлтирилган газ ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун пропан-бутан аралашмаси мосламаларини қуриш, Янги Ангрен иссиқлик электр станцияси энергия блоklarини кўмир ёқилғиси билан ишлаш тизимига ўтказиш, автомобиль кучланиш агрегатларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бошқа бир қатор муҳим стратегик лойиҳаларни амалга ошириш алоҳида истиқболли аҳамиятга эга эканини таъкидлаш зарур.

Бу лойиҳаларнинг барчаси ўтган йили, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамасдан, қабул қилинган 2009—2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича муҳим лойиҳаларни амалга оширишга доир чора-тадбирлар дастурига киритилган.

Ушбу дастурга умумий қиймати 42,5 миллиард доллардан зиёд 327 та лойиҳа киритилган бўлиб, уларнинг кўпчилиги бўйича молиялаш манбалари аниқ белгиланган ва инвесторлар консорциумлари шакллантирилган.

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда Инвестиция дастури рўйхатига киритилган стратегик аҳамиятга молик инвестиция лойиҳаларини, шунингдек, стратегик тармоқлар ва йирик корхоналарнинг узоқ муддатли техника сиёсати нуқтаи назаридан ишлаб чиқиладиган янги лойиҳаларни амалга оширишнинг муддатлари ва шартларини мувофиқлаштириш борасидаги ишларни фаоллаштириши даркор.

2010 йилда автомобиль йўлларини ривожлантириш учун Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан 540 миллиард сўм, яъни ўтган йилга нисбатан қарийб 2 баробар кўп маблағ ажратиш кўзда тутилган.

Бугунги кунда Ўзбекистон миллий автомагистрالي участкаларини қуриш бўйича Осиё тараққиёт банки ҳамкорлигида янги йирик лойиҳа ишлаб чиқилмоқда.

Ушбу дастурларни амалга оширишдан кўзланган пировард мақсад — Европа ва Осиё ўртасидаги савдо оқимининг маълум қисмини мамлакатимиздаги транзит йўналишларига буриш ва шу асосда юртимизда транспорт ва транзит хизмати ҳажмини ошириш, мавжуд инфратузилма негизида логистика марказларини ташкил этиш, минглаб одамларни иш билан таъминлашдан иборат.

Вазирлар Маҳкамаси 2010—2015 йилларда Ўзбекистон миллий автомагистрали йўналиши

бўйлаб инфратузилма ва сервис тармоқларини ривожлантириш юзасидан қабул қилинган дастурнинг амалга оширилишини қатъий назоратга олиши даркор.

Ҳозирги вақтда темир йўл коммуникацияларини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарур. 2010 йилда уларни модернизация қилиш учун 105 миллион доллардан кўпроқ маблағ йўналтириш кўзда тутилган.

«Тошгузар — Бойсун — Кумқўрғон» темир йўл линияси ва шу йўналишдаги инфратузилма объектларида қурилиш ишларини якунига етказиш, «Янгиер — Жиззах» ва «Янгиер — Фарҳод» электрлаштирилган темир йўл линиялари қурилишини давом эттириш лозим.

Шу билан бирга, йўловчи ташиш локомотивлари паркини янгилаш, юк ташиш локомотивлари ва вагонларини модернизация қилиш ва қайта тиклаш бўйича лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш даркор.

Жорий йилда Испаниядан иккита тезюрар поезд сотиб олиш ва «Тошкент — Самарқанд» йўналиши бўйича уларнинг қатновини йўлга қўйиш лойиҳасини, барча расмийлаштириш жараёнлари билан бирга, амалга оширишни бошлаш керак.

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасига жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ҳажмини янада ошириш инвестиция соҳасидаги долзарб йўналиш ҳисобланади.

Аввало, бу ерда бошланган 17 та лойиҳани амалга ошириш, айти пайтда Корея Республи-

каси, Япония, Германия, АКШ, Буюк Британия, Франция, Италия ва бошқа технологик жиҳатдан юксак ривожланган мамлакатлардан инвестициялар жалб қилишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Қадрли дўстлар!

**Қишлоқда уй-жой қуриш ва ижтимоий инфра-тузилмани ривожлантиришни жадаллаштириш дастурининг 2010 йилнинг муҳим устувор йўналишлари қаторига киритилишига тўлиқ асос бор.**

Юртимизда 2009 йилнинг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилиниши, шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастурининг амалга оширилиши қишлоқларимиз қиёфасини замонавий архитектура ва саноат асосида тубдан ўзгартириш ва янгилаш, уй-жой, ижтимоий ва коммунал объектлар, коммуникацияларни барпо этиш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган аниқ мақсадли ишларимизнинг бошланиши бўлди.

Буларнинг барчаси қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини тубдан ошириш ва шаҳар шароитига яқинлаштиришга хизмат қилади.

Ушбу мақсадларга молиялашнинг барча манбалари ҳисобидан 2009 йилнинг ўзида 2 триллион 600 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

Энг муҳими, ўтган йили қишлоқ жойларда қурилиш олиб бориш учун узоқ истиқболга мўлжалланган, лойиҳалаштириш, саноат-қури-

лиш, муҳандислик-техник жиҳатдан кучли замонавий салоҳиятга эга бўлган база яратишга эришдик.

Бу борада молиялаш манбалари ва маблағ ажратиш механизми белгилаб олинди. «Қишлоқ қурилиш банк» ва «Қишлоқ қурилиш лойиҳа» лойиҳалаш институти каби ихтисослаштирилган тузилмалар ташкил этилди.

Уй-жой объеклари қурилиши бўйича 22 та намунавий лойиҳа, ижтимоий объектлар қурилиши бўйича 16 та лойиҳа, комплекс қурилишлар бўйича намунавий режалар ишлаб чиқилди ва бу лойиҳалар республика ва минтақавий кўргазмаларда кенг муҳокама этилганидан кейин тасдиқланди.

Шу борада ихтисослаштирилган «Қишлоқ қурилиш инвест» буюртмачи компанияси ташкил этилиб, мамлакатимиз бўйича 42 та массивда янги уй-жойлар қурилиши бошлаб юборилди.

Алоҳида эътиборга молик томони шундаки, мазмун-моҳиятига кўра ноёб бўлган бу комплекс лойиҳалар юртимизнинг барча ҳудудларида қишлоқ аҳли ва бутун жамоатчилигимиз томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда.

2010 йилги Инвестиция дастури доирасида фақат уй-жой қурилиши учун «Қишлоқ қурилиш банк» орқали аҳолига 250 миллиард сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратиш кўзда тутилган. Бу 2009 йилда ушбу мақсадлар учун йўналтирилган маблағ миқдоридан 4 марта кўп демакдир. Айни

вақтда якка тартибда уй қурувчиларнинг ўзлари ҳам 70 миллиард сўмга яқин маблағ сарф этиши кутилмоқда.

2010 йилда мамлакатимиздаги барча 159 та қишлоқ туманида умумий қиймати 470 миллиард сўмдан ортиқ бўлган 7 минг 630 та уй-жой қурилиши режалаштирилган.

Бунда нафақат замонавий ва қулай коттежлар қуриш, айтиш вақтда болалар боғчалари, умумтаълим мактаблари, мусиқа ва санъат мактаблари, спорт иншоотлари, тиббиёт муассасалари, хизмат кўрсатиш объектлари, кенг ва раван йўллар, бир сўз билан айтганда, қишлоқ аҳолисининг қулай ва муносиб ҳаёт кечириши учун зарур бўлган барча шароитларни ўз ичига олган замонавий ва обод қишлоқларни барпо этиш кўзда тутилмоқда.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда барча зарур ижтимоий ва коммуникация инфратузилмасига эга бўлган, изчил ривожланиб бораётган ўта йирик уй-жой бозори шаклланмоқда.

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси қурилиш режаларига, санитария талаблари ва қурилиш нормаларига риоя қилиниши устидан қатъий тизимли назорат ўрнатиши зарур.

Худудларда аҳолини жойлаштириш, худудларни режалаштириш схемалари ва бош режалари билан боғлиқ ҳужжатларни ишлаб чиқиш тизimini тезлаштириш керак.

Қишлоқ жойларнинг табиий-иқлим шароити ва рельефини, юртимиз худудларининг ижтимо-



ий-демографик хусусиятларини ҳисобга олган, замонавий қурилиш материаллари ва технологияларини қўллаган ҳолда, якка тартибда қуриладиган уйлар, ижтимоий-маданий ва санитария-маиший объектлар лойиҳаларини такомиллаштириш ишларини давом эттириш лозим.

Қишлоқда уй-жой қуриш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштириш дастури замирида жуда улкан ҳажмдаги ишлар мужассам эканини, у ўн минглаб янги иш ўринларини яратиш, ана шу кенг кўламли бунёдкорлик ишларида мамлакатимиз аҳолисининг фаол иштирокини таъминлаш имконини беришини унутмаслигимиз керак.

Биз мазкур дастурни амалга ошириш вазифасини ўз олдимизга қўяр эканмиз, бу билан мамлакатимиз учун долзарб бўлган **аҳоли бандлигини таъминлаш, шу тариқа одамларнинг даромадини янада ошириш ва ҳаёт сифатини юксалтириш масалаларини ҳал этишни кўзда тутамиз.**

2010 йилда мамлакатимизда жами 950 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этиш мўлжалланмоқда. Уларнинг қарийб ярми кичик корхоналар, микрофирмалар ташкил этиш, якка тартибдаги тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш, пудрат асосидаги қурилиш, шу жумладан, уй-жойларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишлари кўламини кенгайтириш ҳисобидан яратилади.

2010 йилда ҳам аҳолини турли шаклдаги касаначилик ишларига жалб этиш, халқ ҳунарманд-

чилигини ривожлантириш, оилавий тадбиркорликни рағбатлантириш — буларнинг барчаси бандликни таъминлашнинг амалда ўзини оқлаган муҳим йўналишлари бўлиб қолади.

Шу асосда 208 минг нафардан ортиқ кишини, аввало, кўп болали аёллар, ногиронлар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифаларини иш билан таъминлаш кўзда тутилмоқда.

Юқорида зикр этилган барча чора-тадбирларни ўзида мужассамлаштирган Дастур вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар иштирокида тайёрланган ва Олий Мажлис томонидан тасдиқланган.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ҳар бир туман ва шаҳарда яратилган иш ўринларини аниқ ҳисобга олиш тизимини ташкил этиш ва дастур ижросини мониторинг қилиш, унда кўзда тутилган прогноз кўрсаткичларини бажаришда сусткашликка йўл қўймаслик чораларини кўриши ва мазкур масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамасига аниқ таклифлар киритиши лозим.

**Ҳурматли мажлис қатнашчилари!**

Юртимизда 2010 йилни «Баркамол авлод йили» деб эълон қилганимиздан яхши хабардорсиз.

Биз фарзандларимизнинг нафақат жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, балки уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган, уйғун ривожланган инсонлар бўлиб, XXI аср

талабларига тўлиқ жавоб берадиган баркамол авлод бўлиб вояга етиши учун зарур барча имконият ва шароитларни яратишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Шу кунларда ҳукуматимиз томонидан ушбу масала юзасидан қабул қилинган Давлат дастури ана шу эзгу мақсадга эришиш йўлида, жами давлат ва нодавлат манбаларини ҳисобга олган ҳолда, мавжуд барча ресурс ва имкониятларимизни сифарбар этишни кўзда тутди.

Дастурда белгиланган комплекс чора-тадбирларни бажариш учун 2010 йилда барча молиялаш манбалари ҳисобидан 8 триллион сўм атрофидаги маблағ, жумладан, 1,8 триллион сўм давлат маблағлари, тижорат банкларининг 3,3 триллион сўмлик кредитлари ва масъул ижрочиларнинг 2,7 триллион сўмдан ортиқ маблағларини йўналтириш мўлжалланган.

Ана шундай буюк вазифалар ва уларни амалга ошириш учун ажратилаётган маблағлар ҳақида гапирар эканмиз, эртанги кунимиз учун, болаларимиз, фарзандларимизнинг бахти учун меҳнат қилиш, фидойилик кўрсатиш — бу барчамизнинг муқаддас бурчимиздир, десам, ўйлайманки, шу залда ўтирган инсонлар, керак бўлса, бутун халқимизнинг фикрини ифода қилган бўлман.

**Азиз юртдошларим!**

2010 йилда ўз олдимизга қўяётган юксак мақсад, вазифа ва режалар, қандай оғир бўлмасин,

буларнинг барчаси, аввало, мамлакатимизнинг тараққий топган давлатлар қаторига чиқиши йўлидаги янги қадамдир.

Бу буюк вазифаларни амалга ошириш учун халқимизнинг фидокорона меҳнати билан тўпланган салоҳиятимиз ва имкониятимиз бор, куч-қудратимиз етарли. Энг муҳими, эртанги кунга бўлган қатъий ишончимиз бизга мустаҳкам пойдевор бўлажак.

Барчангизга, азиз дўстларим, шу йўлда куч-қувват, янги-янги муваффақият ва омадлар тилайман.

*2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда  
Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий  
ривожлантиришининг энг муҳим устувор йўналишларига  
бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг  
мажлисидаги маъруза,  
2010 йил 29 январь*

## МУНДАРИЖА

- МАМЛАКАТИМИЗНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ  
ВА КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ БАРПО  
ЭТИШ — УСТУВОР МАҚСАДИМИЗДИР.**  
*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик  
палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза,  
2010 йил 27 январь* ..... 3
- АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ — ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ  
ВА ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА  
ЮКСАЛТИРИШДИР.**  
*2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда  
Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг  
энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган  
Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза,  
2010 йил 29 январь* ..... 34

*Ислом Абдуғаниевич Каримов*

**АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ —  
ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ  
ВА ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ  
ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШДИР**

Нашр учун масъуллар *А. Зийдов, А. Саъдуллаев*  
Бадний муҳаррир *Ж. Адилов*  
Техник муҳаррир *У. Қим*  
Компьютерда тайёрловчи *Л. Абкеримова*

Босишга руҳсат этилди 22.03.2010. Бичими 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>.  
«Таймс» гарнитурала офсет босма усулига босилди.  
Шартли б.т. 4,2. Наҳр. т.2,56. Нусхаси 25 000 (иккинчи завод).  
Буюртма № 10-19.

Ўзбекистон Маtbуот ва ахборот агентлигининг  
«Ўзбекистон» нашриёт-маtbаа ижодий уйи.  
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

66.3(5У)

К 23

**Каримов, Ислам Абдуганиевич.**

Асосий вазифамиз — ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир/И.А. Каримов.— Тошкент: «Ўзбекистон», 2010.— 80 б.

**ББК 66.3(5У)**